



А.Э.ПАРМАНОВ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЖИХОЗЛАШ
МЕЪЁРЛАРИ**

Тошкент-2020

**Ўзбекистон Республикаси
Мақтабгача таълим вазирлиги**

**Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва
мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
институти**

А.Э.ПАРМАНОВ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ
МЕЪЁРЛАРИ**

Тошкент-2020

Ўқув қўлланма Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг ўқув режаларига асосан “Мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш меъёрлари” ўқув модулининг ўқув дастурига мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, Худудий мактабгача таълим бошқарма бошлиғи ўринбосари, Туман(шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудир, Худудий мактабгача таълим бошқармалари Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда ўқитишининг муқобил шакллари ташкил этиш бўлими бошлиғи, Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда ўқитишининг муқобил шакллари ташкил этиш шўъбаси мудир, Худудий мактабгача таълим бошқармалари Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи, Худудий мактабгача таълим бошқармалари Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўлими мутахассиси, Худудий мактабгача Таълим бошқармалари таълим-тарбия сифатини таъминлаш ва методик хизматни ташкил этиш бўлими бошлиғи, Худудий мактабгача таълим бошқармалари Таълим-тарбия сифатини таъминлаш ва методик хизматни ташкил этиш бўлими мутахассиси, Худудий мактабгача таълим бошқармалари Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мутахассиси, Туман шаҳар мактабгача таълим бўлими Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мутахассиси, Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудир ўринбосари, Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудир, Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими Таълим-тарбия сифатини таъминлаш ва методик хизматни ташкил этиш шўъбаси мудир, Мактабгача таълим ташкилоти мудир (директор), Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-методисти тоифалари ҳамда бошқа тоифалардаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчилари, институт профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассислари учун мўлжалланган.

А.Э.Парманов - МТТДМҚТМОИ, “Педагогика ва психология”
кафедраси мудири, т.ф.н., доц.

Такризчи:

МТТДМҚТМОИ, Ўқув ва услубий ишлар бўйича проректор,
педагогика фанлари номзоди, доцент Н.Ф.Абдуназарова.

И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети доценти
А.А.Каримов.

Ўқув қўлланма Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва
мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
илмий кенгашининг 2020 йилдаги-сонли баёни билан
маъқулланган.

МУНДАРИЖА

	Кириш	7
I-боб.	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЎЙИНЛАР, ЎЙИНЧОҚЛАР, МЕБЕЛЬ, ЖИҲОЗЛАР ВА БОШҚА ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ МЕЪЁРЛАРИ	9
1.1.	Мактабгача таълим ташкилотларида ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлашнинг аҳамияти.	9
1.2.	Мактабгача таълим ташкилоотларини жиҳозлаш меъёрлари.	16
	Жиҳозларга қўйиладиган умумий талаблар.	24
II-боб.	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИҲОЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, САҚЛАШ, Фойдаланиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби.	31
2.1	Мактабгача таълим ташкилотларида жиҳозларни қабул қилиш тартиби.	31
2.2.	Моддий жавобгар шахслар тайинлаш ва улар билан шартномалар тузиш.	36
	Жиҳозларни ҳисобдан чиқариш тартиби.	41
	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	50
	Атамалар ва таърифлар	52
	ИЛОВАЛАР:	
1	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги к-6, 14, 58-сон “Мактабгача таълим ташкилотларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2986].	56
2	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сон қарори	75
3	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги “Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 451-сон қарори.	92

КИРИШ

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 14 февраль куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди.

Президент ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари чоғида ўтказилган мажлисларда ҳам бу борада кўплаб вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишларда жорий йилда давлат мактабгача таълим муассасалари қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш, болалар боғчаларининг моддий-техник ҳолатини ўрганиб, мебель, ошхона жиҳозлари, ўйин майдончалари ва спорт инвентарларига бўлган талабни аниқлаш ҳамда яқин 2 йилда мамлакатдаги барча боғчаларни жиҳозлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланган эди. Бу борада берилган топшириқларга мувофиқ, болаларни сифатли овқатлантириш, кўрпа, ёстик ва чойшабларини белгиланган муддатларда алмаштириш, дори-дармон ва ювиш воситалари учун ажратиладиган маблағлар миқдори етарли экани аниқ ҳисоб-китоб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари ушбу ўқув қўлланмада ўз аксини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори асосида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 929-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли, 2020 йил 22 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сонли қарорлари ижроси юзасидан институтнинг ўқув-меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги к-6, 14, 58-сон “Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига биноан мактабгача таълим ташкилотларини ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш, ҳамда улардан фойдаланишда санитария-гигиена қоидалари, хавфсизлик техникаси ҳамда тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш муҳим ўрин тутди. Бу эса ўз навбатида, мактабгача таълим тизими раҳбар, раҳбар ўринбосарлари ва мутахассисларини мактабгача таълим ташкилотларини ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича маълум даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлишни талаб этади.

“Мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш меъёрлари” ўқув қўлланмасининг асосий мақсади мактабгача таълим тизими раҳбар ва мутахассисларининг фаолиятида мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлашга қўйиладиган умумий талаблар, таълим ташкилотларини жиҳозлашнинг ўзига хос хусусиятлари, жиҳозлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, мактабгача таълим ташкилотларининг хоналари учун жиҳозлар, ҳар бир гуруҳ ва мактабгача таълим ташкилоти учун жиҳозлар, мактабгача таълим ташкилотларида жиҳозларни қабул қилиш, сақлаш, фойдаланиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби, жиҳозлардан фойдаланишда болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

I. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЎЙИНЛАР, ЎЙИНЧОҚЛАР, МЕБЕЛЬ, ЖИҲОЗЛАР ВА БОШҚА ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ МЕЪЁРЛАРИ

1.1. Мактабгача таълим ташкилотларида ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлашнинг аҳамияти.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилиниб тизимга тадбиқ этилиб келинмоқда.

Барчамизга маълумки, Мактабгача таълим ташкилот (кейинчалик матнда МТТ)ларида ўқув жараёнини замон талаблари даражасида ташкил этишда таълим ташкилотининг жиҳозланиши жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантиришни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги к-6, 14, 58-сон “Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда 2986 рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Меъёрларга мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг жисмонан соғлом, ақлий ва интеллектуал ривожланишлари учун лозим

бўлган жиҳозлар, ўйинлар ва ўйинчоқлар ва бошқалар киритилган. Ундан ташқари МТТларни жиҳозлаш бўйича давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-қарори, 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сон қарори ҳамда бошқа бир қатор қарорлар қабул қилинди. Уларда мақтабгача таълим тизимини комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг барча жиҳатлари белгилаб берилди. Хусусан, янги тузилган Мақтабгача таълим вазирлиги олдида шу соҳа бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мақтабгача таълим ташкилотлари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш,

мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли қарори асосида Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилди. Қарорда институтнинг вазифаси этиб илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим ташкилотларининг директор ва мутахассисларида соҳага оид замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича билимлар ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек мухрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади.

Демак, гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қай йўлдан бориши, ҳаёти қандай кечиши, унинг болаликда қандай ўйинчоқларга ошно бўлгани билан ҳам белгиланади. Ўйинчоқни оддий овунчоқ деб билмаслик керак. Боғча ёшидаги болаларнинг дунёни англаши, тасаввур ва тафаккур оламининг кенгайиши, ижодкорлигининг ошиши ҳамда сўз бойлигининг шаклланишида ўйинчоқларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Болалар ўйинчоғини кўрган ҳар қандай кишининг кўз олдида болалик даври гавдаланса, унга қараб қалбида олис болаликнинг беғубор даври ёдга келса ажаб эмас.

“Болаларда ижодкорлик ва қобилият учқуни аланга олиши, ўзини намоён қилиши учун барча яхши нарсалар ёш болажонларга бўлиши керак” деб таъкидлаб ўтган эди муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Шундай экан, мактабгача таълим ташкилотларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш бугунги кунда долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим ташкилотларида жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 14 февралда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бу масала атрофлича муҳокама қилинган эди. 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз томонидан “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари чоғида ўтказилган мажлисларда ҳам бу борада кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда жойлардаги мактабгача таълим ташкилотларининг аҳволи, соҳадаги ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимни чуқур таҳлил қилиб, шу пайтгача назардан четда бўлган энг кичик жиҳатларигача эътибор қаратди. Дастлаб бу масалада Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижаларига эътибор қаратилди. Масалан, Андижон вилоятидаги 87 та маҳаллада биронта ҳам болалар боғчаси йўқлиги, 84 та боғча филиалини мустақил ташкилотга айлантириш ёки давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчаларини ташкил этиш бўйича туман ҳокимликлари томонидан аниқ чоралар белгиланмагани танқид қилинди. Вилоятда мавжуд 451 та мактабгача таълим ташкилотидан 200 тасида озик-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус омбор йўк, совуткич, шкаф ва стол-стуллар етишмайди. Шунингдек, ҳанузгача 123 та боғчага ичимлик суви ташиб келтирилади, 71 тасининг атрофи ўралмаган, 134 тасида мусиқа хоналари жиҳозланмаган, 420 тасида кичик кутубхоналар ташкил этилмаган. Шундай камчиликлар Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ҳам кузатилган.

Барча ҳудудларда учрайдиган бу каби камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш, мактабгача таълим ташкилотларини яхшилаш мақсадида давлатимиз томонидан катта маблағ ва ресурслар йўналтирилмоқда. 2018 йил учун тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари рўйхатига мувофиқ, 771 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан 60 та боғча янгидан қурилади, 295 таси реконструкция қилинади ва 176 таси мукамал таъмирланади.

Йиғилишда жорий йилда давлат мактабгача таълим ташкилотлари қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш, болалар боғчаларининг моддий-техник ҳолатини ўрганиб, мебель, ошхона жиҳозлари, ўйин майдончалари ва спорт инвентарларига бўлган талабни аниқлаш ҳамда яқин 2 йилда мамлакатимиздаги барча боғчаларни жиҳозлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Навбатдаги муҳим масала, деди Шавкат Мирзиёев, давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришдир. Ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан 2018 йилда жами 222 минг нафар болага мўлжалланган 3 мингдан зиёд нодавлат болалар боғчасини ташкил этиш режалаштирилган. Шундан 1 минг 200 таси янги қуриладиган бинодан, 1 минг 360 таси мавжуд биноларда ва 470 таси уй боғчаси сифатида ташкил этилади.

Жойларда бу борада қатор ишлар бошлангани, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида суст бораётгани қайд этилди. Айрим раҳбарларнинг узоқни кўра олмаслиги ва давлат сиёсатини тушунмаслиги оқибатида ишлаб турган давлат боғчаларини хусусийлаштириш ва тадбиркорларга бериб юборишга уриниш ҳолатлари

кузатилмоқда. Бу эса аҳолининг ўринли ва жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу боис тадбиркорларга ишламай турган боғчаларни бериш, бинони таъмирлаб ва жиҳозлаб ишлатиш вазифасини қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий боғчалар ташкил этиш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди.

Мактабгача таълим вазирлигига давлат-хусусий шериклик асосида боғчаларни ташкил этиш моделлари, давлат ва хусусий шерикнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, боғчаларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси қўйилди.

Ҳокимликлар ва банкларга 2018 йилда ташкил этиладиган 3 мингдан зиёд хусусий боғчанинг ҳар бири бўйича ер, бино ва кредит ажратиш, боғчаларни ишга тушириш муддатлари аниқ белгиланган жадвалларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш юзасидан кўрсатма берилди.

Ҳал этишимиз зарур бўлган яна бир муҳим муаммо, деди давлатимиз раҳбари, боғчаларда болаларни белгиланган меъёрлар асосида тўғри ва сифатли овқатлантиришни ташкил этишдир. Афсуски, болаларга сут маҳсулотлари ва мева тасдиқланган нормадан кам миқдорда берилмоқда, балиқ маҳсулотлари эса деярли берилмаяпти. Йиғилишда бу борада берилган топшириқларга мувофиқ, болаларни сифатли овқатлантириш, кўрпа, ёстиқ ва чойшабларини белгиланган муддатларда алмаштириш, дори-дармон ва ювиш воситалари учун ажратиладиган маблағлар миқдори етарли экани аниқ ҳисоб-китоб қилинади.

Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарлари МТТларда болаларнинг белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил этишга шахсан масъул бўлади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги боғчаларда таомларни тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашда санитария нормалари ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилади.

Йиғилишда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг савияси, билими ва кўникмалари масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тизимда фаолият юритаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, 79 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга экани қайд этилди.

“Болалар тарбияси жараёнига ўз ишини пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог-кадрларни жалб қилган ҳолда, уларни гўдаклигидан онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади”, - деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ўрганишлар натижасида келгуси 3 йилда мактабгача таълим тизимида 47 минг 300 дан зиёд олий маълумотли педагог кадрлар, жумладан, 28 минг 300 нафар тарбиячи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбарига эҳтиёж пайдо бўлади. Шу боис, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб,

олий таълим ташкилотларида “Мактабгача таълим” йўналишида кундузги шаклда 3 йиллик бакалаврлар тайёрлаш тизими жорий этилади. Бунда илғор хорижий тажриба, жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи университетлари тажрибаси асосида янги ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб, олий таълим ташкилотларида сиртки ва кечки шаклда бакалаврлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Жорий йил март ойидан бошлаб, вилоятлардаги университет ва педагогика институтлари базасида МТТларнинг педагог ва номутахассис кадрлари учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади. Бу ҳақда сўз юритар экан, Президентимиз Жанубий Кореянинг Пучон университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Мактабгача таълим университетини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда юқори малакали, олий маълумотли кадрларни рағбатлантириш, мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ойлик иш ҳақини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Имконияти чекланган ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болаларга мўлжалланган боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Мактабгача таълим ташкилотларида жиҳозлашда бир қатор талаб ва тартибларга амал қилиниши шарт.

Авваломбор, мактабгача таълим ташкилотига олиб келинган барча моддий қийматга эга жиҳозлар ҳисобхона ходимлари ва моддий жавобгар шахслар томонидан олинаётган жиҳозларга тааллуқли бўлган барча маълумотлар: қайси ташкилотдан олинди, номи, сифати, миқдори, нархи, суммаси, санаси кўрсатилади ҳамда қабул қилган моддий жавобгар шахс имзоси билан расмийлаштирилиб, кирим қилинган моддий бойликларни жойлаштириш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда ўрнини тўлдириб боришни назорат қилиш бўйича мактабнинг масъул ходимлари масъулиятини белгилаш ишларини амалга ошириши лозим.

Шунингдек, барча жиҳозлар боланинг ёшига мос бўлиши ва уларни олиб, фойдаланиш учун қулай жойлаштирилиши лозим. Мактабгача таълим ташкилотларида фойдаланиладиган жиҳозлар ҳам муайян мақсадларга қаратилган бўлиши зарур. Агарда ўйинчоқларни қарайдиган бўлсак, улар 3 хил бўлади, яъни:

- 1-хаётий ўйинчоқлар,
- 2-ижодий фикрлашга, фантазияни ривожлантиришга қаратилган ўйинчоқлар,
- 3-боладаги агрессия(ғазаб)ни чиқариб юборишга ёрдам берувчи ўйинчоқлар турига бўлинади.

Бу ҳақида кўплаб олимлар ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Жумладан, немис педагоги Фрейд ўз тадқиқотида боланинг дунёга келган илк куниданок унинг билиш жараёнларини ривожлантириш ва албатта боланинг биринчи ўйнайдиган ўйинчоқлари юмшоқ ўйинчоқлар бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Кичик ёшдаги болалар меҳр ва эътиборга муҳтож бўлганликлари боис уларга кўпроқ юмшоқ ўйинчоқлар олиб беришни тавсия қилган. Орадан бир

қанча вақт ўтгач америкалик психолог Г.И.Лендрет ўзининг “Ўйин терапияси муомала санъатидир” номли китобида болаларга ўйинчоқ танлашда биринчи навбатда боланинг ёшини ҳисобга олган ҳолда унга сифатли, хавфсиз ва экологик тоза маҳсулотдан тайёрланганлигига эътибор қаратиш кераклиги хақида ўз фикрларини билдирган.

Бола ҳаётида ўйинчоқлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўйинчоқлар болаларнинг ривожланиши, камол топиши ва мустақил ҳаётга кириб келишида муҳим восита ҳисобланади.

Ўйинчоқларнинг асосий вазифаси болалар фаоллигини ошириб, унда атрофдагилар билан бўладиган мулоқотни шакллантириш ва тасаввурини ривожлантиришдан иборат. Болаларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш ва уларни атроф муҳит билан таништиришда ҳам ўйинчоқларнинг ўрни бекиёс. Ўйинчоқ танлашда болаларнинг ёши, дунёқараши, қизиқишлари ҳисобга олиниши ва уларнинг ўзига танлаш имконони бериш мақсадга мувофиқ. Бола ўсади, улғаяди шу тариқа унинг ўйинчоқлари ҳам ёшига мос келиши ва мураккаблашиб борилиши керак. 2-3-ёш болаларга турли шаклли кубиклар ёки леголлар олиб бериш фойдали, чунки бу ёшдаги болаларга ўйинчоқларнинг функцияси қизиқ бўлганлиги сабаб бола улардан турли шакллар ва кўринишлар ясайди, шу билан бирга у ўзининг меҳнат фаолиятини ҳам олиб боради.

Шу ёшдаги болаларга рангли бўёқлар, кум ва ун ёрдамида ҳар хил шакллар чизишига ҳам шароит яратиб бериш, кейинчалик болаларни расм чизишга бўлган қизиқишини ортишига ва келажакда тасвирий санъат йўналишида иш фаолиятини олиб боришида илк пойдевор бўлиб хизмат қилади. Катталар совға қилган ўйинчоқларга қараганда болаларга ўзлари танлаб олган ўйинчоқлар кадрлироқ бўлади. Шу сабабдан болаларнинг ўзларига танлаш имконини берган маъқул. Бола ўйинчоғи билан бемалол мулоқотга кириша олиши, ўйинчоғини худди катталар уни жазолагани каби жазолай олиши, унга арз қила олиши, раҳмдиллик қилиши, авайлаб асрайди. Боланинг ўзи танлаб олган ўйинчоғи унга ҳар томонлама ёрдамчи бўлади. Масалан, дейлик бола қоронғуликдан кўрқади, унга ўйинчоғи билан қоронғу хонага кириб чиқишни таклиф қилиш керак. Ёш бола бу таклифни ўйинчоғи билан қабул қилади ва кўркмай хонага кириб чиқади шу йўл билан уни кўрқувдан халос қилиш мумкин. Америкалик психолог Г.Л.Лендрет такидлаганидек, болаларга ўйинчоқ танлашда унинг сифатига ҳам алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Мактабгача таълим ташкилотларида жиҳозлардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш ҳамда болалар соғлиги ва ҳаётини таъминлаш мақсадида хоналарнинг жиҳозланишига тегишли талаблар қўйилади.

1.2. Мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш меъёрлари.

Бизга маълумки, жиҳозлаш меъёри Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда 2986-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Жиҳозлаш меъёрида мактабгача таълим ташкилотларини ҳамда МТТдаги ҳар бир хона учун зарур жиҳозлар рўйхати ва сони тасдиқланган.

Жиҳозлаш меъёрлари **171 номдаги жиҳозларни**, жумладан мебель, ўқув кўرғазмали қуроллар, техник воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёларни ўз ичига олади, хусусан:

43 номдаги гуруҳ жиҳозлари ясли гуруҳлари (2-3 ёш), кичик гуруҳлар (3-4 ёш), ўрта гуруҳлар (4-5 ёш), катта гуруҳлар (5-6 ёш), тайёрлов гуруҳлари (6-7 ёш) ва қисқа муддатли гуруҳлар кесимида;

махсус мактабгача таълим ташкилотлари учун **қўшимча 19 номдаги махсус жиҳозлар** кичик гуруҳлар (3-4 ёш), ўрта гуруҳлар (4-5 ёш), катта гуруҳлар (5-6 ёш) ва тайёрлов гуруҳлари (6-7 ёш) кесимида;

109 номдаги гуруҳдан ташқари жиҳозлар (маъмурий-методик хоналар, мусиқа зали, жисмоний тарбия хонаси, ошхона, озиқ-овқат сақлаш хонаси, омборхона, кирхона, ташқи ўйин майдончаси учун жиҳозлар).



Бундан ташқари, мактабгача таълим ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, маҳаллий ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бошқа турдаги зарур жиҳозлар билан таъминланиши мумкин.

Белгиланишича, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг жиҳозланиши ушбу жиҳозлаш меъёрларидан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Мактабгача таълим ташкилотига нафақат мураккаб жиҳозлар, ўйинчоқлар ва болалар ўйин мебеллари сотиб олинади. Болалар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар кун бўйи ўзларини қулай ҳис қилишлари учун маиший биноларнинг жиҳозлари - ҳожатхоналар ва умумий овқатланиш бўлими, тиббиёт пункти, спорт мажмуаси ва менежер кабинетини меъёр асосида зарур мебел ва жиҳозлар билан жиҳозлаш зарур.

Қулайлик ва функционалликдан ташқари, барча мебел жиҳозлари услуб ва ранг уйғунлаштирилиб, ички маконнинг яхлитлигини яратиши керак.

Мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш жуда қийин ва машаққатли ишдир. Авваламбор МТТ учун энг муносиб бўлган жиҳоз ва ўйинчоқларни, санитар-техник воситаларни, идиш-товоқларни, кўрпачуликларни, турли хил ўйинчоқларнинг рўйхатини эҳтиёжга асосланган ҳолда шакллантириш лозим. Бунда бинонинг катталиги ва жойлашиши, турли ёш тоифасидаги тарбияланувчилар сони ва бошқа кўплаб маълумотларни инобатга олиш талаб этилади.

МТТнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган барча нарсалар - болалар мебеллари, ахборот стендлари, юмшоқ ўйин модуллари, мактабгача таълим ташкилотидаги марказларни жиҳозлаш, кўрпачулик ва идишлар, уй-рўзғор буюмлари зарур бўлади. Ходимларнинг вазифаси мактабгача таълим ташкилотида гуруҳларни жиҳозлашни яқунлаш - барча хоналарни керакли хоналарда оқилона тартибга солишдир.

Меъёрларга мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг жисмонан соғлом, ақлий ва интеллектуал ривожланишлари учун лозим бўлган жиҳозлар, ўйинлар ва ўйинчоқлар ва бошқалар киритилган. Ушбу гуруҳ хоналарининг жиҳозланишига тегишли талаблар қўйилади.

Мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш 4 та гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳда ушбу гуруҳга кирадиган хоналар учун жиҳозлар номи ва сони болалар ёшларига мос ҳолда алоҳида кўрсатилган. Бундан ташқари меъёрда МТТларда болалар учун санитар-гигиеник воситалар меъёри ҳам белгилаб берилган.





Жиҳозлаш меъёрида ҳар бир МТТ, ҳар бир гуруҳ ва ҳар бир тарбияланувчи учун жиҳозлар ҳам белгилаб берилган.



Шундай экан, мактабгача таълим ташкилотларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш бугунги кунда муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим ташкилотларида жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» 999-сон қарорига асосан 2018/2019 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида, Фарғона вилоятининг Фурқат тумани ва Қувасой шаҳрида ҳамда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Миробод, Бектемир, Учтепа, Яшнобод, Чилонзор, Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманларида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизими тажриба-синов тариқасида муваффақиятли амалга оширилди.

Тажриба-синов доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларининг (кейинги ўринларда — тайёрлов гуруҳлари) 494 та гуруҳида 11 103 нафар бола тайёрловдан ўтди.

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш бўйича дастлабки лойиҳанинг ижобий тажрибасини бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этиш, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, баркамол, ижтимоий мослаштирилган болаларни тарбиялаш, келгусида муваффақиятли ўқув фаолияти учун шарт-шароитларни шакллантириш ва уларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 132-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлашни амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

мактабгача таълим билан **қамраб олинмаган болалар учун тайёрлов гуруҳларини шакллантириш;**

тайёрлов гуруҳларининг ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этиш;

тайёрлов гуруҳларини миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирадиган ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни оширадиган **ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ҳамда ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан таъминлаш;**

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг давлат талабларига мувофиқ ҳар

томонлама ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

тайёрлов гуруҳларини ташкил этишда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари кенг жорий этиш;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда мактабгача таълим соҳасида ҳам таълим хизматларини кўрсатувчи бошқа давлат ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Қарор билан “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланиб, унда қуйидагилар белгилаб берилган:

- тайёрлов гуруҳлари мактабгача таълим ташкилотлари билан қамраб олинмаган болаларга мактабгача таълим ва тарбия олишда ёрдам бериш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилиши белгиланган.

Тайёрлов гуруҳлари мактабгача таълим тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болаларни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқишга тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасидаги илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, болалар ҳар томонлама ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этиш;

бола шахсининг асосларини шакллантириш, унда билимга қизиқишни ривожлантириш.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **132-сон** қарорининг 3-иловасида бир йиллик тайёрлов гуруҳларини моддий-техник воситалар ва таълим-дидактик материаллар билан жиҳозлаш нормативлари тасдиқланган.

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларини моддий-техник воситалар ва таълим-дидактик материаллар билан жиҳозлаш НОРМАТИВЛАРИ

- 1 I. Мебель ва бошқа жиҳозлар
- 2 II. Ҳайвонотлар
- 3 III. Машғулотларга доир дидактик материаллар
- 4 IV. Спорт инвентари
- 5 V. Болалар адабиётлари

НОРМАТИВда 51 та номдаги жиҳозлар ва 3 та номдаги адабиётлар тавсия этилган.

”Тайёрлов гуруҳларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш”

Таълим-тарбия жараёни болаларнинг овқатланишини ташкил этиш шартисиз бир ҳафтада камида 15 соат (бир кунда 3-4 соат) ўқитишни назарда тутувчи мактабгача таълимнинг давлат таълим дастурига ҳамда илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган мактабгача таълим ташкилоти дастури асосида ташкил этилади.

Тайёрлов гуруҳларида болаларнинг бўлиш вақти 3-4 соатни ташкил этади ва таълим-тарбия жараёни бир ёки икки сменада ташкил этилади.

Битта тайёрлов гуруҳидаги болалар сони 30 нафардан ошмаслиги керак.

Мактабгача таълим ташкилотига бормайдиган ва ўзига хос эҳтиёжларга эга болалар тиббий монеликлар мавжуд бўлмаганда, тайёрлов гуруҳларида ўқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий монеликлар мавжуд бўлганда, ота-оналарнинг ҳозир бўлиши кўрсатилган ҳолда боланинг яшаш жойи бўйича даволаш-профилактика муассасаси томонидан тайёрлов гуруҳларига бориш учун рухсат бериш тўғрисида хулоса берилади.

Тайёрлов гуруҳларида таълим-тарбия жараёни болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

Мактабгача таълим ташкилотларидан ташқарида ташкил этилган тайёрлов гуруҳлари энг яқин жойдаги мактабгача таълим ташкилотларининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда барча ҳужжатларни расмийлаштириш мазкур мактабгача таълим ташкилоти раҳбари томонидан олиб борилади ва назорат қилинади.

Тайёрлов гуруҳларида педагог кадрлар меъёри ҳар бир гуруҳ учун тарбиячи — 0,5 штат бирлиги, тарбиячи ёрдамчиси — 0,5 штат бирлиги ҳамда мусиқа раҳбари — 0,25 штат бирлиги миқдоридан белгиланади.

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларини моддий-техник воситалар ва таълим-дидактик материаллар билан жиҳозлаш

НОРМАТИВЛАРИ

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони
I. Мебель ва бошқа жиҳозлар			
1.	Қаттиқ жинсли ёғочдан ёки қатлам-қатлам ёғочдан ясалган 4 ўринли болалар столи (10 мм дан 18 мм гача)	дона	8
2.	Қаттиқ жинсли ёғочдан ёки қатлам-қатлам ёғочдан ясалган болалар стули (10 мм дан 18 мм гача)	дона	30
3.	Тарбиячи учун бир тумбочкали стол	дона	1
4.	Тарбиячи учун ярим юмшоқ стул	дона	2
5.	Ўқув материаллари учун жавон	дона	1
6.	Ўйинчоқлар учун жавон	дона	4
7.	Яшил доска	дона	1
8.	Гилам	кв.м.	60
9.	Илгак	дона	30
II. Ўйинчоқлар			
10.	Ўғил бола кўғирчоқ	дона	2
11.	Қиз бола кўғирчоқ	дона	2
12.	Машиналар (ёнғин машинаси, тез ёрдам машинаси, милиция машинаси, юк машинаси, енгил машина, экскаватор, кўтариш крани)	комплект	1
13.	Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари	тўплам	2
14.	Ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг болалари	тўплам	2
15.	Болалар идишлари тўплами	тўплам	4
16.	Конструктор	тўплам	4
17.	Болалар лотоси	тўплам	2
18.	«Дорихона» тўплами	тўплам	2
19.	Қурилиш воситалари тўплами	тўплам	2
20.	Топишмоқлар (пазллар)	дона	20
21.	Терма нақш	тўплам	4
22.	Қурилиш кубиклари тўплами	тўплам	2
23.	Мевалар қолипи	тўплам	2
24.	Сабзавотлар қолипи	тўплам	2

25.	«Сартарошхона» тўплами	тўплам	2
III. Машғулотларга доир дидактик материаллар			
26.	Ҳисоб чўплари	тўплам	30
27.	Геометрик шакллар	тўплам	30
28.	Рақамлар тўплами	тўплам	30
29.	Йил фасллари тасвири туширилган расмлар туркуми	тўплам	30
30.	Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
31.	Ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг болалари тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
32.	Уй паррандалари тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
33.	Қушлар тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
34.	Сабзавотлар тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
35.	Мева ва резавор мевалар тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
36.	«Алифбо» юмшоқ ривожлантирувчи кубиклар	тўплам	1
37.	«Ҳаёт хавфсизлиги асоси» карточкалари	тўплам	1
38.	«Қасблар» карточкалари	тўплам	4
39.	«Ўзбекистон рамзлари» тўплами	комплект	1
40.	Ўзбекистон мутафаккирлари ва атоқли шахслари портретлари	тўплам	1
41.	«Идиш-товоқ» карточкалари	тўплам	4
42.	«Мебель» карточкалари	тўплам	4
43.	Соат	дона	1
44.	Дидактик ўйинлар	комплект	1
45.	Глобус	дона	1
46.	Танграм	тўплам	4
IV. Спорт инвентари			
47.	Болалар арғамчилари	дона	10
48.	Болалар боулинг-кегли	тўплам	2
49.	Турли катталиқдаги тўплар	дона	6
50.	Турли ҳажмдаги чамбараклар	дона	6
51.	Кольцеброс	дона	2
V. Болалар адабиётлари			
52.	Жаҳон халқлари эртақлари	дона	10
53.	Ўзбек халқ эртақлари	дона	10
54.	Шеърлар, топишмоқлар	дона	10



1.3. Жихозларга қўйиладиган умумий талаблар

Мактабгача таълим ташкилотларида жихозлардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш ҳамда болалар соғлиги ва ҳаётини таъминлаш мақсадида хоналардаги жихозларга муайян талаблар қўйилади.

Жумладан:

Ўйинчоқ ва ривожлантирувчи ўйинлар, кўргазмали қуролларга қуйидаги талаблар қўйилади:

➤ **Дидактик талаблар:**

- бола ёшига мос бўлиши;
- миллий ўзига хослиги намоён бўлиши;
- таълим-тарбия вазифасига қаратилган бўлиши;
- ўйин фаолиятида кенг қўлланилиши.

➤ **Психологик талаблар:**

- боланинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаслиги;
- зўравонликка ундамаслиги;
- болани ижодкорликка ундаши;
- боланинг руҳий жараёнларини ривожлантириши;
- боланинг психологик саломатлигини муҳофаза қилиши.

➤ **Дизайн талаблари:**

- тинчлантирувчи ранглارнинг танланиши;
- миллий ва замон талабига мос бўлиши;
- миллий услубда бажарилиши;
- ҳажм ва катталигининг болага мос келиши;
- конструкциялари (лойиҳа)нинг мустаҳкам бўлиши лозим.



Мактабгача таълим ташкилотида болаларни қабул қилиш хонаси, гуруҳ хоналари, мусиқа зали, ётоқхоналар, компьютер хоналари, психолог-логопед ва маъмурият хоналари мебель, жиҳоз, ўйинчоқлар, асбоб, кўрғазмали ҳамда техника воситаларидаги жиҳозларга ва уларнинг сақланишига талаблар белгиланган.

Гуруҳ хонасида – болалар ёшига мос болалар шоирлари ва ёзувчилари портрети ва асарлари, ўзбек халқ эртаклари, чет эл шоирлари ва ёзувчилари асарлари, турли халқ эртаклари, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, тарбиячи учун махсус журнал, методик адабиётлар, ахборот-маълумот йўналишидаги адабиётлар бўлиши керак.

Мактабгача таълим бўйича қўшимча материаллар – дидактик тарқатма материал ва карточкалар, кўрғазмалар, турли йўналишдаги машғулотлар учун материаллар, йил давомида ўтказиладиган тадбир ва танловлар ишланмалари ва бошқалар.

Гуруҳда болаларнинг столи, стули, намойиш столи, доска, магнит доскаси бўлиши зарур.

Болаларнинг таълим олиши, ўйин жараёнини ташкил этиш, тажрибалар ўтказиши, мустақил фаолиятни ташкил қилишлари, кун давомида турли ташкилий ишлар (овқатланиш, меҳнат, дам олишлари) учун гуруҳ хонасида етарли жой бўлиши керак.

Машғулот жараёнида ишлатиладиган кўрғазмали қуроллар ва жиҳозлари болалар бемалол фойдаланишлари учун қулай жойлаштирилиши лозим.

Гуруҳ хоналарининг масъул шахсларига қўйилган талаблар:

Таълим ташкилоти раҳбари буйруғи билан турли ёш гуруҳ хонаси, ундаги анжом, жиҳоз ва техника воситаларнинг сақланиши учун жавобгар шахс тайинланади.

Тарбиячи белгиланган меъёрий ҳужжатларга асосан мактабгача таълим ташкилотларининг турли ёш гуруҳлари учун (рўйхатларда) етказиб берилган ҳамда мавжуд жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни ташкилотнинг ички буйруғи билан “Қирим-чиқим далолатномаси” асосида мудира ва хўжалик ишлари бўйича масъул ходимдан қабул қилиб олади.

Тарбиячи гуруҳ хонасига ажратилган барча мебель ва жиҳозларни тартиб асосида рақамланишини (инвентар рақами) таъминлайди.

Жиҳозлар номи ёзилган маълумотлар дафтари тутади ва унга гуруҳ хонасидаги барча жиҳозларнинг номларини инвентар рақамлари билан мос ҳолда тартиб асосида ёзиб қўяди ҳамда шу рўйхат асосида сақланишини назорат қилиб боради.

Гуруҳ хонасида мавжуд жиҳозларни гуруҳ паспорти асосида рўйхатини тузади ва унинг нусхаси гуруҳ хонаси эшигининг ён томонига илиб қўйилади.

Гуруҳ хонасидаги ўқув жиҳоз ва ўйинчоқлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг сақланишига қўйилган талаблар:

Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари ва техника воситаларидан машғулотлар жараёнида унумли фойдаланишни ташкил этиш лозим.

Мавжуд жиҳозлардан самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш ҳолатини таълим ташкилотининг ишлаб-чиқариш мажлисида ҳар йили камида бир марта атрофлича муҳокама қилиш ва самарали фойдаланиш бўйича берилган таклифларни инобатга олиш керак.

Гуруҳ хоналари жиҳозларидан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг сақланишини самарали ташкил этиш юзасидан ташкилот миқёсида кўрик-танловлар ташкил этиш зарур.

Гуруҳ хонасига масъул шахснинг жиҳоз, анжом ва ўйинчоқлардан самарали фойдаланиш ҳолати ўрганилиб, ижобий натижаларга эришганларни рағбатлантириш масаласи таълим ташкилот раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, йил якуни бўйича моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш лозим.

Турли сабабларга кўра хато ва камчиликларга йўл қўйиб, мебель ва жиҳозларнинг ишлаш муддатларини қисқаришига, қисмларини ишдан чиқишга, яроқсиз ҳолатга олиб келган шахсларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий чоралар кўриш керак.

Гуруҳ хонасидаги тарбиячи болалар столлари, стуллари, жавон ва бошқа турдаги жиҳозларнинг қирилиши, чизилиши каби ҳолатлари ва унинг тозалиги учун масъул шахс ва таълим ташкилотининг раҳбарияти шахсан жавобгар ҳисобланади.

Жиҳозлар гуруҳларда фойдаланганда қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- кичик, ўрта ва катта гуруҳларда иш жойи девордан чап томондан ёритилиши керак;

- чап қўлли болалар учун иш жойи ўнг томондан ёритиш билан алоҳида ташкил этилади.

Столларнинг ишчи юзалари оч рангли матли қопламага эга бўлиши керак. Стол ва стуллар қопламалари учун ишлатиладиган материаллар паст иссиқлик ўтказувчанлиги ва илиқ сув, ювиш воситалари ва дезинфекцияловчи юқори қаршиликли бўлиши зарур.

Деворий досканинг ўлчами 0,75-1.5 м, досканинг пастки қиррасининг баландлиги пол устидан 0.8 м. бўлиши лозим.

Бўр билан ёзиш учун ишлатиладиган досканинг материали юқори ёпишқоқликка эга бўлган, нам шимгич(материал) билан яхши тозаланадиган,

емирилишга бардошли, тўқ яшил рангли ва аксил матли қопламага эга бўлган материаллардан тайёрланади.

Машғулотларни ташкил этишда болалар бўйи ва саломатлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ўтирғизилади.

Фойдаланадиган ўйинчоқлар болалар саломатлиги учун зарарсиз бўлган ва нам ишлов бериш (ювиш) ва дезинфекция қилиш мумкин бўлган гигиеник талабларга жавоб бериши керак. Мактабгача ёшдаги болалар учун юмшоқ ядроли ва кўпиклатекс ўйинчоқлар фақат дидактик кўрсатма сифатида ишлатилади.

Гуруҳ хоналарида алоҳида ухлаш хоналари назарда тутилади.

Ётоқ хоналари стационар кароватлар билан жиҳозланади.

3 ёшгача бўлган болалар учун кароват узунлиги-120 см; кенглиги-60 см; полдан кароват тўсиғининг баландлиги-95 см.

3 – 7 ёшли болалар учун стационар кароватнинг узунлиги 140 см, кенглиги-60 см ва баландлиги-30 см.

Кароватлар минимал оралиқлар билан жойлаштирилади: кароватларнинг узун томонлари орасида-0.65 м, ташқи деворлардан-0.6 м, иситиш мосламаларидан-0.2 м, иккита кароватнинг бош тахталари орасида-0.3 м.

Кароват тайёрлашда ишлатилган материаллар болалар саломатлиги учун зарарсиз ўлиши шарт.

Болалар индивидуал кўрпа-гўшак, сочиқ ва шахсий гигиена буюмлари билан таъминланади.

Болаларнинг ва ёрдамчи хоналарнинг қаватлар бўйича жойлаштирилиши қуйидагича:

- **3-қаватда** хизмат, маиший хоналар ва тўғарак ишлари учун кўшимча хоналар, психолог ва логопед хоналари;
- **2-қаватда** 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган катта ва тайёрлов гуруҳлар;
- **1-қаватда** 5 ёшгача бўлган кичик ва ўрта гуруҳлар ҳамда тиббиёт хонаси жойлаштирилади.
- **ертўлада** болаларни ҳамда тиббиёт хонасини жойлаштиришга рухсат этилмайди, бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

МТТлардаги санитар-гигиеник талаблар:

- Қўл ювиш жўмраги ва душхонага берилаётган иссиқ сув ҳарорати - 37 градусдан ошмаслиги керак.
- Иситиш мосламаларининг юзаси 70°C-дан юқори бўлмаслиги керак

- Махсус машғулотлар хонасида, ечиниш хонаси, муסיқа ва гимнастика залларида розеткалар полдан 1,8 метрдан юқорида жойлашган бўлиши керак
- МТТ худудида асосий бинодан 20 метрдан ичкарида чиқинди майдонини жойлаштириш қатъиян ман этилади.

Санитар-гигиеник талаблар

			
<p>Кўл ювиш жўмраги ва душхонага берилган иссиқ сув ҳарорати - 37 градусдан ошмаслиги керак.</p>	<p>Иситиш мосламаларининг юзаси 70°C-дан юқори бўлмаслиги керак</p>	<p>Махсус машғулотлар хонасида, ечиниш хонаси, муסיқа ва гимнастика залларида розеткалар полдан 1,8 метрдан юқорида жойлашган бўлиши керак</p>	<p>МТТ худудида асосий бинодан 20 метрдан ичкарида чиқинди майдонини жойлаштириш қатъиян ман этилади</p>


Мактабгача таълим ташкилотлари биноларида жиҳозларга қўйиладиган талаблар ва уларни жойлаштириш

Мактабгача таълим ташкилотлари(МТТ)да асосий биноларнинг жиҳозланиши болаларнинг ўсиши ва ёшига мос келиши, гигиеник ва педагогик талабларни ҳисобга олиши керак. Ўриндиқлар ва столлар (овқат ва таълим) учун сотиб олинган ва фойдаланиладиган болалар (мактабгача) мебелларининг функционал ўлчамлари техник регламент ёки (ва) миллий стандартларда белгиланган мажбурий талабларга жавоб бериши керак.

Кийиниш хонасида ўйинчоқлардан фойдаланиш учун жавонлар ўрнатиш мумкин.

Болалар учун тахта ўйинларини ташкил этиш учун дераза ойналари лентаси ва ўқув столларидан фойдаланишга рухсат этилади. Гуруҳларда болалар учун спорт бурчаги берилиши керак.

МТТда мавжуд моддий қийматликларни сақлаш ва фойдаланиш бўйича масъул шахслар бириктирилиши шарт. Масъул шахсларга тегишли талаблар қўйилади, улар қуйида батафсил келтирилган.



Гуруҳ жиҳозларида қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- катта ва тайёрлов гуруҳлари синфлари учун столлар иш жойини мажбурий чап томондан ёритиш билан девор ёнига ўрнатилади;
- чап қўлли болалар учун иш жойини ўнг томондан ёритиш билан алоҳида иш жойлари ташкил этилади.

Столлар қуйидагича ўрнатилади:

- тўрт кишилик столлар - болалар максимал сони учун ён ёритишни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда кўпи билан 2 қатор;
- жуфт столлар-кўпи билан 3 қатор;
- столлар қаторлари орасидаги масофа камида 0.5 м бўлиши керак;
- биринчи қатордаги столларнинг ёруғлик келтирувчи девордан узоқлиги 1 м бўлиши керак;
- биринчи столдан девор тахтасигача бўлган масофа 2.5-3 м бўлиши керак.

Досканинг ўлчами 0.75-1.5 м, досканинг пол устидаги пастки киррасининг баландлиги 0.7-0.8 м.

Мактабгача таълим ташкилотлари болалар саломатлиги учун зарарсиз бўлган ва намлаб ишлов бериш (ювиш) ва дезинфекция қилиш мумкин бўлган гигиеник талабларга жавоб берадиган ўйинчоқлардан фойдаланадилар. Мактабгача ёшдаги болалар учун юмшоқ ядроли ва кўпик-латекс ўйинчоқлар фақат ўқув кўргазмалар сифатида ишлатилиши керак. Телевизорлар дастурлар ва видеоларни кўриш учун ишлатилади. Уларни ўрнатиш баландлиги 1,1 бўлиши керак. Телекўрсатувларни томоша қилишда болалар 2-3 м. дан яқин бўлмаган ва 5 м. дан ортиқ бўлмаган масофада жойлаштирилади. Стуллар 4-5 қатор (бир гуруҳ асосида) ўрнатилади; стуллар қаторлари орасидаги масофа 0.5-0.6 м бўлиши керак. Болалар уларнинг ўсишини ҳисобга олган ҳолда ўтирғизилади.

Алоҳида хоналарда ёки алоҳида жойларда табиат бурчаклари ва хоналарини, фито-шаҳар, фито-бар ва бошқаларни ташкил этиш мумкин.

Уларни ташкил этишда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- ҳайвонлар ва ўсимликлар болалар ва катталар учун хавфсиз бўлиши керак;

- касал, тажовузкор ва хулқ-атворида олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳайвонлар, шунингдек заҳарли ва тиканли ўсимликларга йўл қўйилмайди;

- ҳайвонлар ветеринария назорати органлари рухсати билан қабул қилинади (рўйхатга олиш, ўз вақтида емлашлар, гигиена тартиблари). Аквариумлар, ҳайвонлар ва қушлар гуруҳ хоналарида рухсат этилмайди.

Мавжуд мактабгача таълим ташкилотларда, лойиҳага кўра ётоқхоналари бўлмаса, мактабгача ёшдаги болалар учун қаттиқ тўшакда ётоқларда кундузги уйқуни ташкил этишга рухсат берилади. Йиғма кўрпалардан фойдаланилганда ҳар бир гуруҳ уларни сақлаш учун, шунингдек кўрпа ва чойшабларни индивидуал сақлаш учун жой бўлиши керак.

Ўқув жиҳозлари, жиҳозлар ва ўйинчоқлардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш ва уларнинг талаблар даражасида ҳам муайян талаблар қўйилади. Ушбу талаблар қуйида келтирилган бўлиб, асосий масала МТТга олинган жиҳозлардан унумли ва самарали фойдаланиш ва моддий қийматликларга ходимларнинг тўғри муносабатларни шакллантиришдан иборат.

Ўқув жихоз ва ўйинчоқлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг сақланишига қўйилган талаблар:

Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари ва техника воситаларидан машғулотлар жараёнида унумли фойдаланишни ташкил этиш лозим.

Маъруза жихозлардан самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш ҳолатини таълим ташкилотининг мажлисларида ҳар йили камдада бир марта атрофича муҳокама қилиш ва самарали фойдаланиш бўйича берилган тақлифларни инобатга олиш керак.

Хоналардаги жихозлардан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг сақланишини самарали ташкил этиш юзасидан ташкилоти миқёсида кўрик-танловлар ташкил этиш зарур.

Хоналарда маъсул шахснинг жихоз, инвентар ва ўйинчоқлардан самарали фойдаланиш ҳолати бўлиши, исқобий нақшаларга эришганларни рағбатлантириш масаласи таълим ташкилоти раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, йил якуми бўйича моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш лозим.

Турли сабабларга кўра хато ва камчиликларга йўл қўйиб, мебель ва жихозларнинг яшилш муддатларини кичкарашига, қисملарини ишдан чиқаришга, яроқсиз ҳолатга олиб келган шахсларга инобатан ўрнатилган тартибда шартномавий чоралар кўриш лозим.

Хоналардаги столлари, стуллари, жавон ва бошқа турдаги жихозларнинг кирилиши, чизилиши каби ҳолатлари ва унинг тозалиги учун маъсул шахс ва таълим ташкилотининг раҳбарияти шахсан жавобгар ҳисобланади.

II. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИҲОЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, САҚЛАШ, ФОЙДАЛАНИШ ВА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ.

2.1. Мактабгача таълим ташкилотларида жиҳозларни қабул қилиш тартиби.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа инвентарлардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш уларни сақлаш тизимини яратиш, уларни ҳар йили инвентаризациялардан ўтказиш жараёнида паспортини янгилаш, яроқсизлари ва ишдан чиққанларини янгисига алмаштириш бўйича талабномаларнинг ишлаб чиқилиши муҳим вазифаларданг биридир.

МТТга жиҳозларни қабул қилиш энг масъулиятли ва жавобгарликка эга ишлардан бири ҳисобланади. МТТ ҳар йили зарур жиҳозлар бўйича талабномани шакллантиради. Жиҳозлаш меъёри бунга асос ҳисобланади. Жиҳозлаш меъёри асосида МТТнинг жиҳозланиш даражаси ва эҳтиёжи аниқланади. Талабнома шакллантириганда МТТ томонидан жиҳозларнинг техник тавсифини ҳам ишлаб чиқилиши зарур. Ишлаб чиқилган техник тавсифнома асосида тендер савдолари ўтказилади ва жиҳозларни қабул қилиб олиш техник тавсиф талаблари асосида амалга оширилади.

МТТга жиҳоз ва бошқа моддий қийматликларни олиб келиш ва қабул қилиш қуйидагича амалга оширилади: Жиҳоз ва бошқа моддий қийматликларни олиб келиш учун моддий жавобгар шахсга ишончнома берилади. МТТ ишончнома берган моддий жавобгар шахсга ташкилот томонидан юк хати (накладная счет-фактура) асосида шартномада белгиланган моддий қийматликлар берилади.

Жиҳозларни етказиб берувчилар рўйхатини шакллантириш учун олдиндан маркетинг ишлари олиб борилади, шунингдек бу хизматда бозордаги нархлар ва техник кўрсаткичлар анализи таққосланади.

Асосий моддий қийматликларни етказиб берувчилар рўйхатига энг паст нархлар ва юқори сифатли маҳсулотлар таклифини берган таъминотчилар киритилади.

Асосий таъминотчилар рўйхатига кирган ташкилотлар, шунингдек савдо ярмаркаларида маҳсулот турларининг намуна ва моделларини тақдим этган, каталоги, проспекти ва рекламалари бўйича белгиланган нархларга амал қилган ташкилотлар билан ҳам бевосита моддий қийматликларни сотиб олиш учун шартномалар тузилиши мумкин.

Таълим ташкилотига олиб келинган барча моддий қийматга эга асосий воситалар ҳисобхона ходимлари ва моддий жавобгар шахслар томонидан унга тааллуқли бўлган барча маълумотлар асосида қабул қилиш ишлари Яъни, жавобгар шахс имзоси билан расмийлаштирилиб, кирим қилинган

моддий бойликларни жойлаштириш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича масъул ходимлар белгиланади.

МТТга жиҳоз ва бошқа моддий қийматликларни олиб келиш учун моддий жавобгар шахсга ишончнома берилади. Ташкилот томонидан МТТ ишончнома берган моддий жавобгар шахсга юк хати (накладная счет-фактура) асосида шартномада белгиланган моддий қийматликлар берилади

**Ишончнома
Доверенность № _____**

Берилган вақти
Дата выдачи « _____ » _____ 20 ____ й./г.
Куйидаги санагача амал қилади
Доверенность действительно по « _____ » _____ 20 ____ й./г.

_____ корхона номи ва манзили / наименование предприятия и его адрес
Ишончнома берилди
Доверенность выдана _____ лавозими ва Ф.И.Ш. / должность и Ф.И.О.

Паспорт серияси
Паспорт серия _____ № _____
Ким томонидан
берилди _____
Кем выдан
Берилган сана
Дата выдачи « _____ » _____ 20 ____ й./г.
Куйидаги таъминотчидан
олиш учун _____
На получение от _____ таъминотчи номи / наименование поставщика

**Қабул қилиниши керак бўлган товар-материал бойлик рўйхати
Перечень материальных ценностей, подлежащих получению**

№	Материал бойликлар номи Наименование материальных ценностей	Ўлчов бирлиги Ед.изм.	Сони (сўз билан) Количество (прописью)
1	2	3	4

Ишончнома олувчи шахс имзосини _____ тасдиқлаймиз
Подпись лица получившего доверенность _____ удостоверяем

_____ ф.и.ш./ ф.и.о.
имзо / подпись
М.Ў.
М.П.
_____ ф.и.ш./ ф.и.о.
имзо / подпись

Етказиб берувчи ташкилотдан қабул қилиб олинган моддий қийматликлар қабул қилиш далолатномаси асосида МТТ омборхонасига топширилади ҳамда товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш ва рўйхатдан чиқариш дафтарига кирим қилинади, кейинчалик ушбу дафтарда товар-моддий бойликлар сарф-харажатининг ҳисоблари олиб борилади.

Накладной ҳисоб-фактура № _____ « ____ » _____ 20__ й
 Жўнатиладиган-товарга ҳужжат № _____ « ____ » _____ 20__ й

“СОТУВЧИ”	“СОТИБ ОЛУВЧИ”

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиб бериш нархи	Акциз солиғи		ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш нархи
						Ставка	Нархи	Ставка	Нархи	
ЖАМИ:										
ЖАМИ										
ТЎЛОВ:										

Раҳбар _____
 (Ф.И.Ш, имзо)

Қабул қилувчи _____
 (Ф.И.Ш, имзо)

Бош ҳисобчи _____
 « ____ » _____ 201__ й
 (Ф.И.Ш, имзо)

Ишоннома.№ _____

Юк берувчи _____
 (юк берувчи масъул имзоси)

_____ (Юк олувчининг Ф.И.Ш.)

Жиҳозларни топшириш ва қабул қилиш тўғрисидаги гувоҳнома - ташкилотлар ўртасидаги асосий воситаларнинг ҳаракатини тасдиқловчи мажбурий ҳужжат. Қоида тариқасида, у етказиб бериш, сотиш, ижарага бериш шартномасига илова қилинади. ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бажарилган ишончнома № _____
« _____ » _____ 201__ йил
моддий бойликлар ҳисобчиси _____

Қабул қилиш далолатномаси № _____

Ушбу далолатнома _____
Келиб тушган мол-мулкга тузилган юк хати № _____ « _____ » _____ 201__ йил
_____ орқали

№	Номи Наименование	Ўлчов бирилиги Ед.изм	Сони Кол-во	Нархи Цена	Қиймати Сумма

Топширди _____ (Ф.И.Ш.)
(имзо)

Қабул қилди _____ (Ф.И.Ш.)
(имзо)

Жиҳозларни топшириш ва қабул қилиш

Мақтабгача таълим ташкилотларида олди-сотди битимини тузишда томонлар шартнома шартларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар: молиявий талабларнинг бир қисмини бажариб, қабул қилувчи ташкилот сотиб олинган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини олади. Етказиб бериш фактини топшириш далолатномаси тасдиқлайди, аммо ускунага келсак, уни харидор томонидан қабул қилишнинг махсус тартиби мавжуд.

Мулкни жойига етказиб бериш ва тушириш кифоя қилмайди: барча объектлар иккала томоннинг вакиллари томонидан синчковлик билан текширилиши керак (баъзи ҳолларда учинчи шахслар жалб қилиниши мумкин) ва керак бўлганда синовдан ўтказилиши керак. Худди шундай, ўрнатиш ва ишга тушириш учун ўрнатиш ташкилотининг ускуналари узатилади.

Жиҳозлар корхонада асосий воситаларни қабул қилишга ваколатли махсус комиссия томонидан олинади. Комиссия аъзолари зарур процедураларни амалга ошириб, зарарнинг мавжудлиги/йўқлиги, бузилишлар, мол-мулкнинг миқдори, номлари, моделининг шартнома предметига мувофиқлиги, барча илова қилинадиган ҳужжатлар мавжудлигини аниқлайдилар.

Тўғри бажарилган акт кейинчалик бухгалтерия ҳисобига ўтказилади ва бухгалтерия балансида асосий воситаларни ҳисобга олиш (олиб ташлаш) учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай шаклдаги ҳужжатда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

ҳужжатнинг номи;

акт рақами;

тузилган сана ва жой;

асосий ҳужжатга ҳавола (масалан, олди-сотди шартномасининг рақами ва санаси);

томонларнинг маълумотлари (етказиб берувчининг ва олувчининг номи, агар мавжуд бўлса, пудратчининг номи); банк реквизитлари - ўз хоҳишига кўра;

мулкни олувчига олиш вақти;

объектлар рўйхати (номи, ишлаб чиқарувчиси, миқдори, серия рақамлари ва бошқалар);

ускунани текшириш натижаси (ташқи кўриниши, маҳсулотнинг шартномага мувофиқлиги, нуқсонлар);

комиссия таркибига кирган шахсларнинг, етказиб берувчининг вакили, учинчи томон ишчиси, мулкни сақлаш учун жавобгар бўлган ходимларнинг имзолари.

Комиссия иши тугагандан сўнг, унинг натижалари корхона директори, бош бухгалтер томонидан тасдиқланади, шундан сўнг бир нусхаси асосий воситаларни сотиб олиш учун қабул қилувчи компаниянинг бухгалтерия бўлимига юборилади, иккинчиси етказиб берувчига берилади.

2.2. Моддий жавобгар шахслар тайинлаш ва улар билан шартномалар тузиш.

МТТларда барча моддий-қийматликлар педагог-ходимларнинг иш фаолиятдан келиб чиққан ҳолда масъул шахсларга моддий жавобгарлик асосида бириктирилган бўлиши шарт. ҳар бир хонадан фойдаланувчи шахс ўз хонаси учун жавобгардир, хона эгаси хонадаги керакли жиҳозларни санокдан ўтказиб, шартнома асосида қабул қилиш қондасига риоя қилиб, талаб даражасида сақланишини ва таълим жараёнида самарали фойдаланишини таъминлайди.

Барча асосий воситалар ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган моддий жавобгар шахсларнинг масъул жавобгарлигида бўлиши керак. Асосий воситаларни сақлаш учун моддий жавобгар бўлган шахслар асосий воситаларнинг инвентарь рўйхатини юритиши керак. Моддий жавобгар шахслар асосий воситаларнинг сақланишини кузатиб борадилар ва барча ўзгаришлар ҳисобини юритадилар. Моддий жавобгар шахс алмашган тақдирда унинг жавобгарлигида бўлган асосий воситаларнинг инвентаризацияси ўтказилади ва бу ҳақда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Бу далолатнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Гуруҳ хоналари, ўқув машғулот хоналари, таълим ташкилоти ҳудуди ва майдончаларида хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қондаларига амал қилиш ҳамда болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга таълим ташкилоти раҳбари, бу ишга бевосита раҳбарлик қилувчи масъул шахслар жавобгар бўладилар.

Меҳнат кодекси бўйича ходимнинг моддий жавобгарлиги белгилаб қўйилган, яъни:

203-модда. Ходимнинг махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлиги

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилувчи ўн саккиз ёшга тўлган ходим билан ишга қабул қилиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам меҳнат шартномасига қўшимча тарзда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан

белгиланади. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати ҳам худди шундай тартибда белгиланади.

Агар ходим талабгор бўлаётган иш (лавозим) тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишни талаб қилса, ходим эса бундай шартнома тузишга рози бўлмаса, иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тўлиқ ёки жамоанинг тўлиқ моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномада меҳнат шартномаси тарафларининг ходимга, жамоага ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминлаш бўйича вазифалари аниқ кўрсатилади ҳамда уларнинг кўшимча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб қўйилади.

Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномага биноан қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун шахсан жавобгар бўладиган аниқ бир ходимга топширилади. Бундай шартнома тузган ходим жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериши керак.

Жамоа моддий жавобгарлиги ҳақидаги шартномага мувофиқ қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлик юклатиладиган, олдиндан белгиланган шахслар гуруҳига (бригадага) топширилади. Бригаданинг айрим аъзоси жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериши лозим.

Зарар ихтиёрий равишда тўланганда (206-модда) бригада ҳар бир аъзосининг айби даражаси бригаданинг барча аъзолари билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Зарар суд тартибида ундирилганда бригада ҳар бир аъзосининг айби даражаси суд томонидан аниқланади.

Қимматликларга оид хизмат (сақлаш, сотиш, ташиш, қайта ишлаш) билан шуғулланувчи корхоналарда иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан таҳлика (таваккалчилик) жамғармаси тузилиши мумкин, камомадларни шу жамғарма ҳисобидан қоплашга йўл қўйилади.

Ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузилмаган, шунингдек бундай шартнома пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ходимлар тоифаси рўйхатига кирмайдиган шахс билан тузилган ҳолларда иш берувчига етказилган зарар учун ходимга чекланган моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин. Бундай ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик, ушбу Кодекснинг 202-моддаси биринчи қисмининг 2 — 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлсагина юклатилиши мумкин.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида
ШАРТНОМА №.....

_____ га тегишли бўлган
(корхонанинг номи)

моддий қимматликларнинг сақланганлигини таъминлаш мақсадида, унинг номидан

_____ (лавозими, Ф.И.Ш)
(кейинги ўринларда “Иш берувчи” деб аталади), бир томондан, ҳамда

_____ (лавозими, Ф.И.Ш.)
(кейинги ўринларда “Ходим” деб аталади), бошқа томондан қуйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

1. Қимматликларга оид хизмат (сақлаш, сотиш, ташиш, қайта ишлаш) билан бевосита боғлиқ _____ лавозимини эгаллаб турган
(лавозимнинг номи)

ёки _____ ишни бажараётган ходим
(ишнинг номи)

унга корхона томонидан ишониб топширилган моддий қимматликларнинг бутунлигини таъминламаганлик учун **тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади ва шунга мувофиқ ҳолда:**

а) унга сақлаш учун ёки бошқа мақсадларда топширилган корхонанинг моддий қимматликларини асраб авайлаш ва уларга зарар етказилишини олдини олиш чораларини кўриш;

б) унга ишониб топширилган моддий қимматликлар бутунлигининг таъминланишига хавф солувчи барча ҳолатлар ҳақида иш берувчига хабар бериш;

в) унга ишониб топширилган моддий қимматликларнинг ҳаракати ва қолдиқлари ҳисобини юритиш ва товар –пул ва бошқа ҳисоботларни белгиланган тартибда тузиш ва тақдим этиш;

г) унга ишониб топширилган моддий қимматликларнинг инвентаризациясида иштирок этиш мажбуриятини олади.

2. Иш берувчи:

а) ходимга нормал ишлаши ва унга ишониб топширилган барча моддий қимматликларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур шарт шароитларни яратиб бериш;

б) ходимни корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги амалдаги қонунчилик билан, шунингдек унга ишониб топширилган қимматликларни сақлаш, сотиш, ташиш, қайта ишлаш ёки ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойаланиш бўйича йўриқномалар, нормативлар ва қоидалар билан таништириш мажбуриятини олади.

3. Ходимнинг айби билан унга топширилган моддий қимматликларнинг бутунлигини таъминламаган тақдирда корхонага етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва уни қоплаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

4. Агар зарар етказилишида ходимнинг айби бўлмаса, у моддий жавобгарликка тортилмайди.

5. Мазкур шартнома ходим унга ишониб топширилган корхона моддий қимматликлари билан ишлаган барча вақтда амал қилади.

6. Мазкур шартнома уч нусхада тузилган, биринчи нусхаси иш берувчида, иккинчиси хўжалик ишлари бўйича масъулда сақланади, учинчиси эса ходимга берилади.

Шартнома тарафлари реквизитлари:

Иш берувчи:

Ходим:

Шартнома тарафлари имзолари:

Иш берувчи:

Ходим:

М.Ў.

Шартнома тузилган сана

20.... й “ ___ ” _____.

Моддий жавобгарлик бўйича бошқа моддаларда ҳам ҳолатлар белгиланган, жумладан:

204-модда. Иш берувчининг зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мажбурияти

Иш берувчи зарарни муайян ходимлардан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш ўтказилиши учун иш берувчи тегишли мутахассислар иштирокида комиссия тузишга ҳақли.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун ходимдан тушунтириш хати талаб қилиниши шарт. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бўйин товлаши иш берувчи уни етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишига моне бўла олмайди. Ходим барча текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга.

205-модда. Иш берувчининг мол-мулкига етказилган зарар миқдорини белгилаш

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

Иш берувчининг асосий фондларга (воситаларга) тааллуқли мол-мулкига етказилган зарар миқдори моддий қимматликларнинг баланс қийматидан (таннархидан) эскириш қийматини белгиланган нормалар бўйича чегириб ташлаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Иш берувчининг асосий воситаларга тааллуқли мол-мулки талон-торож қилинган, камомад бўлган, қасддан йўқ қилинган ёки қасддан бузилган тақдирда, шунингдек бошқа ҳолларда зарар миқдори ваколатли орган томонидан иш кўрилган куни шу жойда амалда бўлган бозор нархлари бўйича ҳисобланади.

Мол-мулкнинг ва бошқа қимматликларнинг айрим турларини талон-торож қилиш, камомад ёки йўқ қилиш билан иш берувчига етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдори унинг номинал миқдоридан ошиб кетган ҳолларда бундай зарар миқдорини аниқлашнинг, шу жумладан қарралаш йўли билан ҳисоблаб чиқишнинг алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши мумкин.

206-модда. Ходим томонидан зарарни ихтиёрий равишда тўлаш

Иш берувчига зарар етказишда айбдор бўлган ходим уни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлашга ҳақли.

Зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ушбу Кодексда назарда тутилган доирада амалга оширилади.

Ходим ва иш берувчининг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият беради. Агар зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида ёзма мажбурият берган ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилса ва зарарни тўлашдан бўйин товласа, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Иш берувчининг розилиги билан ходим етказилган зарарни қоплаш учун унга баҳоси тенг мол-мулк бериши ёки бузилган мол-мулкни тузатиб бериши мумкин.

207-модда. Зарарни ундириш тартиби

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Фармойиш зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин.

Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

208-модда. Корхонага унинг раҳбари томонидан етказилган зарарнинг тўланиши

Корхона мулкдори ёки у ваколат берган орган билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхона раҳбари томонидан корхонага етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда тўланади.

Корхона раҳбаридан етказилган зарарни ундириб олиш суд тартибида амалга оширилади.

209-модда. Зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи

Иш берувчининг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

210-модда. Ходимдан ундириладиган зарар миқдорининг суд томонидан камайтирилиши

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин.

Суд ундириладиган зарар миқдорини камайтириш ҳақидаги келишув битимини тасдиқлашга ҳақлидир.

Ходимдан ундириладиган зарарнинг миқдорини, агар зарар ғаразли мақсадлар билан содир қилинган жиноят натижасида етказилган бўлса, камайтиришга йўл қўйилмайди.

2.3. Жиҳозларни ҳисобдан чиқариш тартиби

МТТларда асосий воситаларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун МТТ мудирининг раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига МТТнинг тегишли педагог-ҳодимлари, бухгалтерия ҳодимлари ва моддий жавобгар шахслари киритилиши керак. Комиссия МТТ мудирининг буйруғи билан тузилади.

Жиҳозларни ҳисобдан чиқариш: Бюджет ташкилотларида - юқори ташкилот билан келишган ҳолда, юқори ташкилот мавжуд бўлмаганда - конун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда.

МТТларда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилган), жисмонан ва маънан эскирган, тикланиши мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган, яроқсиз ҳолатга келиб қолган асосий воситалар кўплаб учрайди. Ушбу воситаларни ўрнатилган тартибда ўз вақтида ҳисобдан чиқариш ва ўрнига янги замановий жиҳозларни сотиб олиш зарур бўлади.

Мазкур талаб мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларга (банклар ва кредит уюшмаларидан ташқари) татбиқ этилади.

Асосий воситалар баланسدан:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) бепул (текинга) бериш;
- д) устав капиталига таъсис улуши кўрунишида бериш;
- е) молиявий ижара шартномаси бўйича бериш;
- ж) камомад ёки талафот аниқланиши;
- з) иштирокчининг юридик шахс иштирокчилари таркибидан чиқишида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиш натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларни балансдан чиқариш



Асосий воситаларни тугатиш муносабати билан балансдан ҳисобдан чиқариш

Асосий воситалар қуйидаги ҳолларда уларни тугатиш муносабати билан балансдан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

а) белгиланган хизмат муддати тугаганидан (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганидан) кейин;

б) жисмоний эскириш, ҳалокатлар, табиий офатлар, фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитларини бузиш оқибатида яроқсиз ҳолга келганлари;

в) маънан эскирганлари**;

г) тегишли давлат органларининг қарорлари бўйича чиқиб кетадиганлари;

д) корхона ва ташкилотларнинг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши ва техник қайта жиҳозланиши муносабати билан чиқиб кетадиганлари.

Тикланиши мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган асосий воситалар тугатилиши керак.

Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган **Асосий воситаларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисида ННЗОМ**
(Янги тахрирда)

Асосий воситалар қуйидаги ҳолларда уларни тугатиш муносабати билан баланسدан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:



а) белгиланган хизмат муддати тугаганидан (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганидан) кейин;



б) жисмоний эскириш, ҳатокятлар, табиий офатлар, фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитларнинг бузилиш оқибатида яроқсиз ҳолга келганлари



в) маънан эскирганлари**



г) тегишли давлат органларининг қарорлари бўйича чиқиб кетадиганлари;



д) корхона ва ташкилотларнинг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши ва техник қайта жиҳозланиши муносабати билан чиқиб кетадиганлари.



Тикланиши мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган асосий воситалар тугатилиши керак.

** - Янада мазкур ва тежамкор турларини талаб қилми натижасида ҳарсизланаётган асосий воситалар.

Асосий воситаларни тугатишни қуйидагилар амалга оширадилар:

а) бюджет ташкилотлари - юқори ташкилот билан келишган ҳолда, юқори ташкилот мавжуд бўлмаганда - қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда;

б) унитар корхоналар томонидан хўжалик юрителиш ҳуқуқи билан уларга тегишли бўлган кўчмас асосий воситалар - корхона мол-мулкининг мулкдори розилиги билан, қолган асосий воситалар эса - қонун ҳужжатларига асосан мустақил равишда;

в) тезкор бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхоналари томонидан (бундан кейин давлат корхоналари) корхона муассисининг розилиги билан;

г) бошқа корхона ва ташкилотлар - қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда.

Корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун раҳбар (раҳбар ўринбосари) ёки бош муҳандис раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига корхона ва ташкилотнинг тегишли мутахассислари,

бухгалтерия ходимлари ва моддий жавобгар шахслари киритилиши керак. Комиссия корхона ва ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тузилади.

Асосий воситаларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузиладиган комиссия қуйидаги ваколатларга эгадир:

а) ҳисобдан чиқариш керак бўлган асосий воситаларнинг бевосита кўригини амалга оширади, бунда зарур техник ҳужжатлар (паспорт, босқич режалари ва бошқа ҳужжатлар), шунингдек, бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланади;

б) уларни тиклашнинг мумкин эмаслигини ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлайди;

в) асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш сабабларини (тўлиқ эскиришни ҳисоблаб ёзиш, жисмоний эскириш, реконструкция қилиш, фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитлари бузилиши, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳоказони) аниқлайди;

г) асосий воситаларнинг муддатидан олдин фойдаланишдан чиқиб кетишига айбдор бўлган шахсларни аниқлайди, ушбу шахсларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

д) тугатилаётган асосий воситаларнинг айрим узеллари, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металлларидан фойдаланиш имкониятини белгилайди ва уларни баҳолайди;

е) тугатилаётган асосий воситалардан яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларни олиш устидан назоратни амалга оширади, уларнинг миқдори, оғирлигини белгилайди ва тегишли омборга топширилишини назорат қилади.

Корхона ва ташкилотларнинг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши ва техник қайта жиҳозланиши муносабати билан асосий воситалар тугатиладиган ҳолларда комиссия ҳисобдан чиқаришга тақдим этилган асосий воситаларнинг юқори ташкилот ёхуд корхона ёки ташкилот мол-мулкнинг мулкдори томонидан тасдиқланган корхона ва ташкилотларнинг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши ва техник қайта жиҳозланиши режасига мувофиқлигини текшириши керак. Бундай режа бўлмаган тақдирда корхона ёки ташкилотни бошқариш органларининг қарори бўлиши керак.

Бунда комиссия асосий воситаларни тугатиш далолатномасида тасдиқланган режа ёки тегишли қарорнинг банди ва санасига ҳавола қилади.

Асосий воситаларни уларнинг тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқариш тўғрисида комиссия томонидан қабул қилинган қарор натижалари асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатнома билан (АВ-4-сон шакл), шу жумладан транспорт воситалари бўйича Низомга 2-сон иловага асосан транспорт воситаларини тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ-4а-сон шакл) билан расмийлаштирилади.

Асосий воситаларни тугатиш далолатномаларида тугатилаётган асосий воситаларни тавсифлайдиган қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

асосий воситани тайёрлаш ёки барпо этиш йили, унинг корхона ёки ташкилотга келиб тушиш санаси, фойдаланишга топшириш санаси, асосий воситанинг дастлабки (қайта баҳоланганлари учун - тиклаш) қиймати, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича фойдаланишнинг бутун муддати учун ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси, асосий воситани тугатиш сабаблари ва қисмларга бўлишдан олиниши мумкин бўлган яроқли узеллари, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металланинг борлиги ва улардан кейинчалик фойдаланиш имкониятлари.

Транспорт воситасини тугатишда, бундан ташқари, транспорт воситаси бажарган ишларнинг ва кўрсатган хизматларнинг ҳажми ёки у босиб ўтган йўл кўрсатилади.

Фалокатлар ёки фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитлари бузилган тақдирда чиқиб кетган асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқаришда тугатиш далолатномасига фалокат ёки фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитлари бузилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади, шунингдек фалокат ёки фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитлари бузилишига олиб келган сабаблар аниқланади ва айбдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар кўрсатилади.

Табиий офатлар оқибатида чиқиб кетган асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқаришда тугатиш далолатномасига махсус ҳукумат комиссиясининг хулосаси илова қилиниши мумкин.

Асосий воситаларни тугатиш комиссияси томонидан тузилган асосий воситаларни тугатиш далолатномалари уларнинг балансида асосий воситалар қайд этилган корхона ёки ташкилот раҳбари томонидан:

а) бюджет ташкилотларида - тегишли юқори ташкилотлар билан, юқори ташкилот мавжуд бўлмаганда - қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда;

б) унитар корхоналарда хўжалик юритиш ҳуқуқи билан уларга тегишли бўлган кўчмас асосий воситалар бўйича - корхона мол-мулкининг мулкдори билан;

в) давлат корхоналарида - корхона муассисининг билан келишгандан сўнг тасдиқланади.

Тугатиш жараёни якунланганидан сўнг корхона ёки ташкилот бухгалтерияси томонидан асосий воситаларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар ва уларни тугатишдан моддий бойликларнинг келиб тушиши тўғрисида мазкур Низомга 3-сон иловага асосан маълумотнома тайёрланади.

Қисмларга бўлинган ва демонтаж қилинган асосий воситанинг бошқа асосий воситани таъмирлаш учун яроқли бўлган барча узеллари, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металлари улар ҳисобга олинган тегишли ҳисобварақларга асосий воситаларни тугатиш комиссияси томонидан белгиланган эҳтимолий фойдаланиш нархи бўйича кирим қилинади. Яроқсиз узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар иккиламчи хом ашё (темир-терсак, қийқинди ёки ўтин) сифатида кирим қилинади ҳамда корхона ёки ташкилотнинг хоҳиши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлатилади.

Бюджет ташкилотлари учун тугатилган асосий воситаларни қисмларга ажратиш ва демонтаж қилишдан олинган товар-моддий бойликларни сотишдан олинган маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимланади.

ТАСДИҚЛАЙМАН

раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____ имзо
200__ й. " __ " _____

**Асосий воситаларни тугатиш тўғрисида
__-сон ДАЛОЛАТНОМА**

Корхона, ташкилот, _____

Таркибий бўлинма	Тузилган санаси	Операция тури коди	Асосий воситаларнинг сақланишига жавобгар шахснинг коди

Асосий воситанинг номи	Тури	Коди	Дастлабки (тикланиш) қиймати	Жамланган эскириш суммаси	Чиққан (барпо этилган) йили	Фойдаланишга топширилган сана	Рақами	
							Инвертарь	Тайёрловчи
1	2	3	4	5	6	7	8	9

20__ йил " __ " _____ даги _____-сон буйруқ билан тайинланган комиссия _____ объектни кўздан кечиришни
(объект номи)

амалга оширди.

_____, унинг агрегатлари, узел
(объект номи)

ва механизмларини кўздан кечириш ва ҳужжатлар (паспорт, формуляр) билан танишиш натижасида комиссия қуйидагиларни аниқлади:

1. Ташкилотга келиб тушган: 20__ йил " __ " _____
2. Объектнинг паспорт бўйича оғирлиги _____
3. Яроқли узеллар, деталлар, метериаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар ва ҳоказоларнинг борлиги тўғрисида маълумотлар.

Рақами			Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Сумма
Тартиб бўйича	Каталог бўйича	Номенклатура бўйича					
1	2	3	4	5	6	7	8
Жами							

4. Ҳисобдан чиқариш сабаби _____

5. Техник ҳолати _____

Комиссия ҳулосаси: _____

Илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати _____

Комиссия раиси

лавозим

имзо

имзо расшифровкаси

Комиссия аъзолари

лавозим

Имзо

имзо расшифровкаси

М.Ў.

лавозим

имзо

имзо расшифровкаси

лавозим

имзо

имзо расшифровкаси

ТАСДИҚЛАЙМАН

раҳбарнинг Ф.И.Ш.

имзо

20__ йил " __ " _____

Транспорт воситаларини тугатиш тўғрисида
___-сон ДАЛОЛАТНОМА

Корхона, ташкилот, _____

Таркибий бўлинма	Тузилган санаси	Операция тури коди	Транспорт воситаларнинг сақланишига жавобгар шахснинг коди

Транспорт воситанинг номи	Моделли , тури	Коди	Дастлабки (тикланиш) қиймати	Жамланг ан эскириш суммаси	Чиқ- қан йили	Фойдалани шга топширил- ган санаси	Рақами		Бажарилган ишлар ҳажми ёки босиб ўтил- ган йўл ҳажми
							Инвер- тарь	Тайёр- ловчи	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

20__ йил " ____ " _____ да _____ -сон буйруқ билан тайинланган
комиссия _____ модели

(маркаси)

_____ туридаги двигатель рақами _____ давлат рақам
белгиси _____ бўлган _____ транспорт
воситасини кўздан кечиришни амалга оширди.

_____, унинг агрегатлари, узеллари
(маркаси)

ва механизмларини кўздан кечириш, ҳужжатлар (паспорт, формуляр)
билан танишиш натижасида комиссия қуйидагиларни аниқлади:

1. Ташкилотга келиб тушган: 20_____ йил " ____ " _____
2. Объектнинг паспорт бўйича оғирлиги _____
3. Яроқли узеллар, деталлар, метериаллар, рангли ва қимматбаҳо
металлар ва ҳоказоларнинг борлиги тўғрисида маълумотлар

Рақами	Номи	Ўлчов	Миқдори	Нархи	Сумма
--------	------	-------	---------	-------	-------

Тартиб бўйича	Каталог бўйича	Номенклатура бўйича		бирлиги				
1	2	3	4	5	6	7	8	
Жами								

4. Ҳисобдан чиқариш сабаби _____
5. Техник ҳолати _____
6. _____ дан
ҳисобдан олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар
Комиссия хулосаси _____
- Илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати _____

Комиссия раиси

лавозим имзо имзо расшифровкаси

Комиссия аъзолари

лавозим Имзо имзо расшифровкаси

М.Ў.

лавозим имзо имзо расшифровкаси

лавозим имзо имзо расшифровкаси

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сонли Қонуни (2019 йил 16 декабрь).
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.— Т.: Маънавият, 2008.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017 – 2021 йилларга мўлжалланган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198 сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 991-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 999-сон қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 802
- 12.
- 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 20 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарорини ўз вақтида ва сўзсиз бажариш тўғрисида”ги 82-сонли буйруғи.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **132-сон қарори.**
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги “Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги **451-сон қарори.**

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги к-6, 14, 58-сон “таълим ташкилотларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2986].

ҚАРОРИ

**БОЛАЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА МАЖБУРИЙ БИР
ЙИЛЛИК ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 8 декабрдаги 999-сон қарорига асосан 2018/2019 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида, Фарғона вилоятининг Фурқат тумани ва Қувасой шаҳрида ҳамда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Миробод, Бектемир, Учтепа, Яшнобод, Чилонзор, Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманларида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизими тажриба-синов тариқасида муваффақиятли амалга оширилди.

Тажриба-синов доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларининг (кейинги ўринларда — тайёрлов гуруҳлари) 494 та гуруҳида 11 103 нафар бола тайёрловдан ўтди.

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш бўйича дастлабки лойиҳанинг ижобий тажрибасини бошқа худудларда ҳам татбиқ этиш, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, баркамол, ижтимоий мослаштирилган болаларни тарбиялаш, келгусида муваффақиятли ўқув фаолияти учун шарт-шароитларни шакллантириш ва уларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизимини тўлиқ жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлашни амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалар учун тайёрлов гуруҳларини шакллантириш;

тайёрлов гуруҳларининг ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этиш;

тайёрлов гуруҳларини миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирадиган ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни оширадиган ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ҳамда ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш;

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг давлат талабларига мувофиқ ҳар томонлама ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

тайёрлов гуруҳларини ташкил этишда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари кенг жорий этиш;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда мактабгача таълим соҳасида ҳам таълим хизматларини кўрсатувчи бошқа давлат ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

тайёрлов гуруҳлари учун 2019/2020 ўқув йили 2020 йил 10 мартдан бошланади ва 20 августда тугайди. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, тайёрлов гуруҳлари учун ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланади ва кейинги йилнинг 25 майда тугайди;

давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ҳамда улардан ташқари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган кун (бир ҳафтада камида 15 соат таълим-тарбия жараёни ташкил этилган ҳолда) режимида ташкил этиладиган тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари бошланғич таълимга тайёргарликдан ўтган деб ҳисобланади ва мажбурий бепул бир йиллик тайёрловдан озод этилади;

давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ҳамда улардан ташқари ташкил этилган тайёрлов гуруҳларида бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтган болаларга бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификат берилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари давлат мактабгача таълим ташкилотларида ҳамда бошқа давлат ташкилотларида тайёрлов гуруҳлари учун хоналарни тайёрлаш, зарур бўлганда, янги бинолар, хоналар қуриш ёки мавжудларини капитал таъмирлаш, сув ва электр энергияси ҳажмини ўлчайдиган ҳамда ҳисобга оладиган алоҳида мосламалар ўрнатиш чораларини кўрсин.

5. Куйидагилар:

2020 — 2025 йилларда болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларини моддий-техник воситалар ва таълим-дидактик материаллар билан жиҳозлаш нормативлари 3-иловага мувофиқ;

Бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

а) тайёрлов гуруҳлари хоналарини ушбу қарорга 3-иловага мувофиқ мебель, анжомлар, ўқув-методик, дидактик материаллар, бадиий адабиётлар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминласин;

б) бир ой муддатда:

тайёрлов гуруҳларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда тайёрлов гуруҳларидаги таълим-тарбия жараёнининг сифатини назорат қилсин ҳамда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан, шунингдек, бошқа ташкилотларда ташкил этиладиган тайёрлов гуруҳлари фаолиятининг мониторингини олиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларини шакллантиришда ушбу қарор доирасидаги тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

заруратга кўра жорий этилаётган штат бирликларидан ва тайёрлов гуруҳларини жиҳозлашдан келиб чиққан ҳолда, «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси Мактабгача таълим вазирлигининг буюртмасига мувофиқ ҳар йили бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификат бланкаларининг белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 йил, 3-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 43-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«2027/2028 ўқув йилидан бошлаб — бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификат».

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари

тўғрисида» 2018 йил 8 декабрдаги 999-сон қарорининг 5-банди ва ушбу қарорга 2 — 4 иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 март,
132-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 132-сон қарорига
1-ИЛОВА

2020 — 2025 йилларда болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олишнинг МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/ Р	Параметрлар	шу жумладан ўқув йиллар бўйича:					
		2019/2 020	2020/2 021	2021/2 022	2022/2 023	2023/2 024	2024/2 025
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	630 281	658 799	691 621	709 318	726 926	744 532
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	341 816	494 069	567 129	638 386	690 580	744 532
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	54,2	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	91 243	152 253	73 060	71 257	52 194	53 952
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	266	263	128	127	94	98
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	559	768	373	365	269	278
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	2 535	4 051	1 940	1 888	1 384	1 431
1. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	58 405	61 695	64 504	65 925	67 333	68 746
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	32 350	46 271	52 893	59 333	63 966	68 746
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	55,4	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	4 597	13 921	6 622	6 440	4 633	4 780
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	18	24	12	11	8	8
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	31	70	34	33	24	24

3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	132	371	175	171	123	128
2. БУХОРО ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	33 853	36 032	37 280	38 192	39 142	40 086
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	21 480	27 024	30 570	34 373	37 185	40 086
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	63,5	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	4 327	5 544	3 546	3 803	2 812	2 901
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	14	10	6	7	5	5
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	30	28	18	20	15	15
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	121	147	95	100	74	77
3. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	25 650	26 580	28 033	28 959	29 886	30 810
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	14 417	19 935	22 987	26 063	28 392	30 810
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	56,2	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	2 479	5 518	3 052	3 076	2 329	2 418
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	13	10	6	6	4	5
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	20	28	16	16	12	13
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	72	146	80	81	62	63
4. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	68 592	70 303	72 170	73 991	75 805	77 626
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	27 323	52 727	59 179	66 592	72 015	77 626
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	39,8	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	9 789	25 404	6 452	7 413	5 423	5 611
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	26	43	11	13	10	10
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	57	128	33	38	28	29
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	270	676	172	197	143	149
5. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	38 426	37 643	38 778	39 461	40 143	40 826
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	24 659	28 232	31 798	35 515	38 136	40 826

3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	64,2	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	6 619	3 573	3 566	3 717	2 621	2 690
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	20	6	6	7	5	5
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	43	18	18	19	14	14
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	183	96	95	98	69	71
6. НАВОЙ ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	18 064	19 092	19 794	20 460	21 126	21 792
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	8 748	14 319	16 231	18 414	20 070	21 792
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	48,4	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	3 046	5 571	1 912	2 183	1 656	1 722
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	11	10	4	4	3	3
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	20	28	10	11	9	9
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	86	148	50	58	44	46
7. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	50 003	55 942	61 170	63 355	65 494	67 637
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	29 612	41 957	50 159	57 020	62 219	67 637
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	59,2	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	5 494	12 345	8 202	6 861	5 199	5 418
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	16	21	14	12	9	10
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	33	62	42	35	26	28
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	154	329	218	182	139	143
8. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	75 849	78 414	82 381	84 218	86 026	87 833
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	43 800	58 811	67 552	75 796	81 725	87 833
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	57,7	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	20 392	15 011	8 741	8 244	5 929	6 108
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	43	26	15	14	10	11
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	111	76	44	42	30	31

3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	552	399	233	219	158	162
9. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	15 700	16 368	17 018	17 370	17 724	18 075
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	10 244	12 276	13 955	15 633	16 838	18 075
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	65,2	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	1 839	2 032	1 679	1 678	1 205	1 237
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	11	4	3	3	3	3
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	16	11	9	9	7	7
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	53	53	44	44	31	32
10. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	53 795	54 071	58 070	59 806	61 541	63 275
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	23 619	40 553	45 191	53 825	58 464	63 275
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	43,9	75	78	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	8 992	16 934	4 638	8 634	4 639	4 811
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	21	29	8	15	8	9
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	52	85	24	44	24	25
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	247	451	123	229	123	127
11. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	66 537	72 095	74 904	76 719	78 536	80 347
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	34 816	54 071	60 421	69 047	74 609	80 347
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	52,3	75	81	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	6 086	19 255	6 350	8 626	5 562	5 738
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	20	33	11	15	10	10
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	40	97	32	44	28	29
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	174	512	169	229	148	153
12. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	34 299	37 192	39 462	40 706	41 949	43 193
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	12 526	27 894	32 359	36 635	39 852	43 193

3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	36,5	75	82	90	95	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	3 923	15 368	4 465	4 276	3 217	3 341
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	13	26	8	8	6	6
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	25	77	23	22	17	17
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	109	410	118	113	85	89
13. ТОШКЕНТ ШАҲРИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	38 743	40 105	41 862	43 026	44 189	45 352
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	32 307	34 806	37 754	40 267	42 858	45 352
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	83	86,8	90,2	93,6	97	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	6 436	2 499	2 948	2 513	2 591	2 494
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	17	5	5	5	5	5
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	37	13	15	13	13	13
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	178	66	79	66	69	66
14. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ							
1.	Жами 6 ёшдаги болалар сони	52 365	53 267	56 195	57 130	58 032	58 934
2.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (сони)	25 915	35 193	46 080	49 873	54 251	58 934
3.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи (%)	49,5	66,1	82	87,3	93	100
4.	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг ўсиши суръати	7 224	9 278	10 887	3 793	4 378	4 683
<i>шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:</i>							
1.	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари	23	16	19	7	8	8
2.	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари	44	47	55	19	22	24
3.	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари	204	247	289	101	116	125

**Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов
гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари (кейинги ўринларда — тайёрлов гуруҳлари) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Тайёрлов гуруҳлари мактабгача таълим ташкилотлари билан қамраб олинмаган болаларга мактабгача таълим ва тарбия олишда ёрдам бериш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилади.

3. Тайёрлов гуруҳлари мактабгача таълим тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болаларни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқишга тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасидаги илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, болалар ҳар томонлама ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этиш;

бола шахсининг асосларини шакллантириш, унда билимга қизиқишни ривожлантириш.

2-боб. Тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш ва уларга болаларни қабул қилиш

4. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) томонидан ҳар йили июнь, июль ойларида ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинмаган болаларнинг мавжуд контингенти ўрганилади.

Бундай болалар контингенти аниқланган тақдирда, ҳудудий бошқармалар тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш тўғрисида асосланган таклиф билан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига мурожаат қилади.

Мактабгача таълим вазирлиги таклифни ўрганиб чиқиб, бир ой муддатда тайёрлов гуруҳларини ташкил этишга қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий бошқармаларга тегишли топшириқ беради.

5. Тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқ туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан Мактабгача таълим вазирлигининг тегишли топшириғи келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда қабул қилинади.

6. Тайёрлов гуруҳларига тегишли йилнинг 1 сентябрида 5 ёшу 6 ойлик бўлган, мактабгача таълим ташкилотларига бормаётган болалар уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда — ота-оналар) аризаси ва бола соғлиғи ҳолати тўғрисидаги тиббий хулоса асосида қабул қилинади.

7. Тайёрлов гуруҳларига қабул қилинган болалар мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

8. Тайёрлов гуруҳлари мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган ёки уларда тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш учун етарли шароит бўлмаган тақдирда тайёрлов гуруҳлари умумий ўрта таълим муассасалари, коллежлар, «Баркамол авлод» марказлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида, шунингдек, бошқа мос бино ҳамда иншоотларда ташкил этилади.

9. Мактабгача таълим ташкилотларида тайёрлов гуруҳлари учун алоҳида хоналар ажратилади ва улардан фақат мақсадли фойдаланилади, зарур бўлса, уларга алоҳида эшикдан кириш ташкил этилади.

10. Тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш учун ажратилган хоналар белгиланган санитария-гигиена талабларига мувофиқ бўлиши керак.

3-боб. Тайёрлов гуруҳларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

11. Таълим-тарбия жараёни болаларнинг овқатланишини ташкил этиш шартисиз бир ҳафтада камида 15 соат (бир кунда 3-4 соат) ўқитишни назарда тутувчи мактабгача таълимнинг давлат таълим дастурига ҳамда илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган мактабгача таълим ташкилоти дастури асосида ташкил этилади.

12. Тайёрлов гуруҳларида болаларнинг бўлиш вақти 3-4 соатни ташкил этади ва таълим-тарбия жараёни бир ёки икки сменада ташкил этилади.

13. Битта тайёрлов гуруҳидаги болалар сони 30 нафардан ошмаслиги керак.

14. Мактабгача таълим ташкилотига бормайдиган ва ўзига хос эҳтиёжларга эга болалар тиббий монеликлар мавжуд бўлмаганда, тайёрлов гуруҳларида ўқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий монеликлар мавжуд бўлганда, ота-оналарнинг ҳозир бўлиши кўрсатилган ҳолда боланинг яшаш жойи бўйича даволаш-

профилактика муассасаси томонидан тайёрлов гуруҳларига бориш учун рухсат бериш тўғрисида хулоса берилади.

15. Тайёрлов гуруҳларида таълим-тарбия жараёни болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

16. Мактабгача таълим ташкилотларидан ташқарида ташкил этилган тайёрлов гуруҳлари энг яқин жойдаги мактабгача таълим ташкилотларининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда барча ҳужжатларни расмийлаштириш мазкур мактабгача таълим ташкилоти раҳбари томонидан олиб борилади ва назорат қилинади.

17. Тайёрлов гуруҳларида педагог кадрлар меъёри ҳар бир гуруҳ учун тарбиячи — 0,5 штат бирлиги, тарбиячи ёрдамчиси — 0,5 штат бирлиги ҳамда муҳит раҳбари — 0,25 штат бирлиги миқдоридан белгиланади.

4-боб. Таълим-тарбия жараёни иштирокчилари

18. Тарбияланувчи, педагог ходим, ота-оналар тайёрлов гуруҳларида таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ҳисобланади.

19. Тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
давлат мактабгача таълим ташкилотларида бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан бепул ўтиш;
давлат томонидан қафолатланган ҳажм доирасида бепул тиббий ёрдам олиш;

соғлиқ учун хавфсиз бўлган шароитларда таълим олиш ва тарбияланиш;

соғлом турмуш тарзини олиб бориш, болаларни меҳнат қилишга мажбурлашнинг ҳар қандай шаклларидан, жисмоний ва руҳий зўравонликдан, ўз шаъни ва кадр-қиммати камситилишидан ҳимояланиш;

ўз соғлиғига зарар етказадиган ахборотдан ҳимояланиш.

Тайёрлов гуруҳлари тарбияларувчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Тарбияланувчиларнинг ота-оналари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз боласининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўз боласи учун мактабгача таълим шаклини ва таълим олиш тилини танлаш;

мактабгача таълим ташкилотлари маъмуриятидан мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;

мактабгача бўлган ёшдаги болани ривожлантириш, унга мактабгача таълим ва тарбия бериш масалалари юзасидан давлат органларига мурожаат қилиш;

болага нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

таълим-тарбия жараёни ташкил этилишида иштирок этиш;

тайёрлов гуруҳларидаги таълим-тарбия жараёни билан танишиш.

Тарбияланувчиларнинг ота-оналари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Тарбияланувчиларнинг ота-оналари:

боланинг жисмоний соғлиғи, руҳий ҳолати ҳақида қайғуриши, унинг қобилиятлари, иштиёқлари ва истеъдодларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

боланинг бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишини таъминлаши;

таълим-тарбия жараёни бошқа иштирокчиларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

оилада боланинг ҳар томонлама ривожланиши, таълим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.

Тарбияланувчилар ота-оналари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Болаларнинг умумий ўрта таълим муассасасига киргунига қадар бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёргарлик кўриши учун жавобгарлик уларнинг ота-оналари зиммасига юклатилади.

22. Тегишли касбий маълумотга, тайёргарликка, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган ҳамда тиббий кўрикдан ўтган шахслар тайёрлов гуруҳларида педагогик ва тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

5-боб. Тайёрлов гуруҳлари мол-мулки ва молия-хўжалик фаолияти

23. Тайёрлов гуруҳлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

24. Тайёрлов гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда ҳудудий бошқармалар томонидан белгиланган тартибда уларнинг банк ҳисобрақамларига ўтказиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жиҳозланади.

25. Тайёрлов гуруҳларининг мол-мулки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур гуруҳлар ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотининг балансига киритилади.

26. Тайёрлов гуруҳларининг педагог ходимлари меҳнатига давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

6-боб. Яқунловчи қоида

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 132-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов
гуруҳларини моддий-техник воситалар ва таълим-дидактик
материаллар билан жиҳозлаш**

НОРМАТИВЛАРИ

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони
I. Мебель ва бошқа жиҳозлар			
1.	Қаттиқ жинсли ёғочдан ёки қатлам-қатлам ёғочдан ясалган 4 ўринли болалар столи (10 мм дан 18 мм гача)	дона	8
2.	Қаттиқ жинсли ёғочдан ёки қатлам-қатлам ёғочдан ясалган болалар стули (10 мм дан 18 мм гача)	дона	30
3.	Тарбиячи учун бир тумбочкали стол	дона	1
4.	Тарбиячи учун ярим юмшоқ стул	дона	2
5.	Ўқув материаллари учун жавон	дона	1
6.	Ўйинчоқлар учун жавон	дона	4
7.	Яшил доска	дона	1
8.	Гилам	кв.м.	60
9.	Илгак	дона	30
II. Ўйинчоқлар			
10.	Ўғил бола кўғирчоқ	дона	2
11.	Қиз бола кўғирчоқ	дона	2
12.	Машиналар (ёнғин машинаси, тез ёрдам машинаси, милиция машинаси, юк машинаси, енгил машина, экскаватор, кўтариш крани)	комплект	1
13.	Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари	тўплам	2
14.	Ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг болалари	тўплам	2
15.	Болалар идишлари тўплами	тўплам	4
16.	Конструктор	тўплам	4
17.	Болалар лотоси	тўплам	2
18.	«Дорихона» тўплами	тўплам	2
19.	Қурилиш воситалари тўплами	тўплам	2
20.	Топишмоқлар (пазллар)	дона	20
21.	Терма нақш	тўплам	4
22.	Қурилиш кубиклари тўплами	тўплам	2
23.	Мевалар қолипи	тўплам	2

24.	Сабзавотлар қолипи	тўплам	2
25.	«Сартарошхона» тўплами	тўплам	2
III. Машғулотларга доир дидактик материаллар			
26.	Ҳисоб чўплари	тўплам	30
27.	Геометрик шакллар	тўплам	30
28.	Рақамлар тўплами	тўплам	30
29.	Йил фасллари тасвири туширилган расмлар туркуми	тўплам	30
30.	Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
31.	Ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг болалари тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
32.	Уй паррандалари тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
33.	Қушлар тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
34.	Сабзавотлар тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
35.	Мева ва резавор мевалар тасвири туширилган карточкалар	тўплам	4
36.	«Алифбо» юмшоқ ривожлантирувчи кубиклар	тўплам	1
37.	«Ҳаёт хавфсизлиги асоси» карточкалари	тўплам	1
38.	«Қасблар» карточкалари	тўплам	4
39.	«Ўзбекистон рамзлари» тўплами	комплект	1
40.	Ўзбекистон мутафаккирлари ва атоқли шахслари портретлари	тўплам	1
41.	«Идиш-товоқ» карточкалари	тўплам	4
42.	«Мебель» карточкалари	тўплам	4
43.	Соат	дона	1
44.	Дидактик ўйинлар	комплект	1
45.	Глобус	дона	1
46.	Танграм	тўплам	4
IV. Спорт инвентари			
47.	Болалар арғамчилари	дона	10
48.	Болалар боулинг-кегли	тўплам	2
49.	Турли катталиқдаги тўплар	дона	6
50.	Турли ҳажмдаги чамбараклар	дона	6
51.	Кольцеброс	дона	2
V. Болалар адабиётлари			
52.	Жаҳон халқлари эртаклари	дона	10
53.	Ўзбек халқ эртаклари	дона	10
54.	Шеърлар, топишмоқлар	дона	10

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 132-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик
тўғрисида сертификат бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификат бериш тартибини белгилайди.

**2-боб. Сертификат бланкаларига буюртма бериш, уларни сақлаш,
ҳисобга олиш ва жойларга етказиш**

2. Сертификат бланкалари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълими вазирлигининг буюртманомасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси томонидан муҳофазаланган қоғозда чоп этилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълими бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармаларга), туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларида сертификат бланкаларини сақлаш, ҳисобга олиш ва жойларга етказиш бўйича масъул ходимлар (кейинги ўринларда — масъул шахслар) белгиланади.

4. Сертификат бланкалари ҳудудий бошқармаларга ҳар йили 1 июнга қадар етказилади.

5. Ҳудудий бошқармалар сертификат бланкаларини олганларидан сўнг уларнинг сонини ва тартиб рақамларини юк хати бўйича текширади. Текшириш якунига кўра сертификат бланкаларининг қабул қилиб олинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади. Далолатнома ҳудудий бошқарма бошлиғи ҳамда масъул шахс томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

6. Ҳудудий бошқармаларга олиб келинган сертификат бланкалари сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида ҳисобга олинади ҳамда сейфда сақланади.

7. Ҳудудий бошқармалар сертификат бланкаларини ҳар йили 5 июнга қадар туман (шаҳар) мактабгача таълими бўлими масъул шахсига ишончнома асосида беради.

Туман (шаҳар) мактабгача таълими бўлимларидан ҳар йили 8 июнга қадар сертификат бланкалари мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларига берилади ва бу ҳақида далолатнома тузилади.

8. Ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) мактабгача таълими бўлимлари ҳар бир мактабгача таълим ташкилотларига берилаётган сертификат бланкаларининг сони, уларнинг тартиб рақамлари сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида қайд этилишини назоратга оладилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги сертификатлар реестрини юритади.

Сертификатлар реестрида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:
тарбияланувчи фамилияси, исми, отасининг исми;
туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома маълумотлари (гувоҳнома
рақами, ким томонидан ва қачон берилгани);
мактабгача таълим ташкилотларининг тарбияланувчиларга
сертификат бериш тўғрисидаги буйруғи санаси ва рақами;
сертификат ҳисоб серияси ва рақами;
сертификат берилган сана.

3-боб. Сертификат бланкаларини тўлдириш ва битирувчиларга топшириш

10. Сертификат бланкалари тарбияланувчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва гуруҳ журналларидаги маълумотлар асосида тўлдирилади.

11. Сертификат раҳбарнинг имзоси ҳамда мактабгача таълим ташкилоти муҳри билан (муҳри бўлган тақдирда) тасдиқланади. Муҳр аниқ ва ўқилиши осон бўладиган ҳолда туширилади.

12. Мактабгача таълим ташкилотларида битирувчиларга сертификат ҳар йили 20 июнга қадар тантанали равишда топширилади.

Битирувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари (кейинги ўринларда ота-оналар) сертификатни олгани ҳақида сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарига имзо қўяди.

4-боб. Сертификат дубликатини бериш

13. Сертификат йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган, бузилган ҳолларда дубликат берилади.

14. Дубликат олиш учун битирувчининг ота-онаси (улардан бири) мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига сертификатнинг йўқотилиши, яроқсиз ҳолатга келиши ёки бузилиши ҳолати тўлиқ баён этилган ёзма ариза берадилар.

Аризага боланинг туғилганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

15. Битирувчининг мактабгача таълим ташкилотида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, 5 кун муддатда мактабгача таълим ташкилоти раҳбари дубликат бериш масаласида туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимига мурожаат қилади ва унинг мурожаати ҳудудий бошқармага юборилади.

16. Дубликатлар ҳудудий бошқармалар томонидан берилади. Дубликатни бериш муддати мактабгача таълим ташкилотига ариза келиб тушган кундан бошлаб бир ойдан ошиб кетмаслиги керак.

17. Яроқсиз ҳолга келган сертификат мактабгача таълим ташкилотига қайтарилиши лозим.

4-боб. Яқунловчи қоида

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисида сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Болалар бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатнинг ДАВЛАТ НАМУНАСИ (Сертификат тавсифи)

Бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлик тўғрисидаги сертификат А5 форматидаги оқ қоғозга офсет усулида, кўйидаги бешта бўёқдан фойдаланган ҳолда босиб чиқарилади: қора — матн учун, яшил, кўк, қизил — расмлар тасвири учун, оч жигар ранг — фон учун. Тасманинг юқори қисмига диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири жойлаштирилган.

Варақнинг юқори қолган қисмига латин ёзувида давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA TA'LIM VAZIRLIGI. MAKTABGACHA TA'LIM TO'G'RISIDA SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат МТ ҳарфларидан иборат тартиб рақамга эга ва етти хонали сондан иборат. Сертификат матни нақшли растрдан иборат оч жигарранг фонда қора рангда ўзбек тилида ёзилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтита ҳимояга эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA TA'LIM TO'G'RISIDA**

**SERTIFIKAT
MT № 0000000**

Ushbu sertifikat 20 _____ da _____

(tug'ilgan joyi)

tug'ilgan _____ ga 20 _____ yilda

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

da

(muassasa nomi)

boshang'ich ta'limga bir yillik tayyorlov dasturini bitirganligi to'g'risida berildi.

M.O'.

Rahbar

(F.I.O.)

(imzo)

Guruh rahbari _____

(imzo)

(F.I.O.)

Qayd qilingan raqami _____

20 ___ yil _____ da
berildi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ
УМУМИЙ ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ болалар ўйинчоқларининг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент иловага мувофиқ тасдиқлансин ва расман эълон қилинган кундан бошлаб ўн икки ой ўтгандан кейин амалга киритилсин.

2. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламент амалга киритилгач, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда ихтиёрий қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги ваколатли давлат органлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Умумий техник регламент амалга киритилган кундан бошлаб, болалар ўйинчоқларини стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни қўллашда мажбурийлик хусусиятини бекор қилиш ва ихтиёрий қўллашни таъминлаш юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўрсин.

4. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тасдиқланган ушбу Умумий техник регламентнинг мақсадлари, мазмун ва моҳияти ҳамда уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, давлат бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги бош директори Д.Н. Саттаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июль,
451-сон

Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламент

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Мақсади ва қўллаш соҳаси

1. Ушбу Умумий техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) болалар ўйинчоқлари хавфсизлиги, болалар ва уларга қаровчи шахсларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб болалар ўйинчоқларини хавфсиз ишлаб чиқариш ҳамда сотиш талабларини белгилайди. Шунингдек, болалар ўйинчоқларидан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чағитувчи ҳаракатларнинг олдини олади.

2. Техник регламентга 1-иловада келтирилган болалар ўйинчоғи деб қаралмайдиган маҳсулотларга, шунингдек, шахсий буюртмалар ва кўргазма нусхалари сифатида тайёрланган ўйинчоқларга мазкур Техник регламент талаблари татбиқ этилмайди.

2-§. Атамалар ва таърифлар

3. Мазкур Техник регламентда қуйидаги атама ва таърифлар қўлланилади:

алангаланиш — ёнғин ҳосил қилувчи манба таъсирида аланганинг ҳосил бўлиши;

бажарадиган вазифасига кўра қўлланилиши — ўйинчоқдан ишлаб чиқарувчининг ўйинчоқда ёки ишлатиш тартиби қайд қилинган ҳужжатларда бажарадиган вазифасига кўра фойдаланиш;

болалар — ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахслар;

болалар ўйинчоғи — болалар ўйнаши учун мўлжалланган буюм ёки материал;

стол усти йиғма ўйинчоқ — тўлиқ полиграфик усулда тайёрланган, кўшимча ўйин элементлари қўлланилган ёки қўлланилмаган ўйинчоқ;

ишлаб чиқарувчи — Техник регламент асосида ўйинчоқларни ўз номидан хавфсизлик талабларига риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқаришга масъул бўлган ва сотишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс сифатидаги тадбиркор;

кавшарлаш — материал қисмларини эритилган қўлом билан бир-бирига улаш;

кимёвий ўйинчоқ — болаларнинг кимёвий тажрибаларни бажаришлари учун мўлжалланган бир ёки бир неча кимёвий моддалардан ва (ёки) кимёвий реактивлардан иборат бўлган тажриба ускуналари билан таъминланган ёки тажриба ускуналарисиз кимёвий тўплам;

кимёвий моддаларни ўз ичига олган (кимёвий тажрибалар ўтказишга мўлжалланмаган) ўйин тўплами — гипсли қуймаларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган қолиплар; кичик ҳунармандчилик устахоналарини жиҳозлашда қўлланиладиган сопол материаллар ва қотирувчи эмаллар;

пластифицирли поливинилхлорид асосидаги массани қолипловчи тўпламлар (печда тобланадиган), бадий қўймаларни ҳосил қилишда қўлланиладиган тўпламлар; пломбалар учун қўлланиладиган тўпламлар; фотосуратларни чиқаришда қўлланиладиган тўпламлар; конструкторлик ишларига мўлжалланган елимловчи моддалар, бўёқлар, лаклар, аралаштиргичлар ва тозалагичлар (эритгичлар) тўпламлари;

конструкторлик тўплами — турли ўйинчоқларни йиғиш учун мўлжалланган, механик ва (ёки) электр (электрон) таркибий қисмлардан иборат бўлган тўплам;

модел-нусха ўйинчоқ — ўлчамлари реал техник қурилманинг масштаби бўйича кичрайтилган нусхасидан иборат бўлган ўйинчоқ;

оптик ўйинчоқ — ишлаш принципи геометрик оптика принципларидан фойдаланишга асосланган ўйинчоқ;

ўйинчоқлар материали — ўйинчоқ таркибига кирувчи барча материаллар;

ўйин тўплами — болаларнинг ижодкорлигини оширишга ва қўл меҳнати кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи турли предметлар, материаллар, моддалардан ташкил топган ўйинчоқ;

фойдаланувчи — ўйинчоқдан ўз мақсадига кўра фойдаланувчи бола ва болага қаровчи шахс;

функционал ўйинчоқ — катталар томонидан фойдаланиладиган буюм ёки қурилманинг ишлаши ва унинг бажарадиган вазифаларига тақлид қилиб ясалган ўйинчоқ;

хавф — боланинг ҳамда унга қаровчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар келтирувчи сабаблар, бу зарарлар оқибатларининг эҳтимоллик даражаси;

электр ўйинчоқ — бирор-бир функцияси электр энергияси ҳисобига ишловчи ўйинчоқ;

2-боб. Хавфсизлик талаблари

1-§. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

4. Юмшоқ ўйинчоқлар, карнавал костюмлари ва карнавал ўйинчоқ маҳсулотлари (масалан, соқоллар, мўйловлар, париклар, ниқоблар, тожлар), шунингдек, болалар ичига жойлаша оладиган ўйинчоқлар ёнғиндан ҳимояланган бўлиши зарур.

5. Таркибида кимёвий моддалар мавжуд бўлган, лекин кимёвий тажрибаларга алоқаси бўлмаган ўйинлар тўплами, моддалар аралаштирилганда ёнмайди, шунингдек, зарарли тутун ва газларни ҳосил қилмайдиган бўлиши зарур.

6. Болалар ўйинчоғининг таркиби портлаш хусусиятга эга бўлган моддалар ва материаллардан иборат бўлмаслиги керак.

7. Болалар ўйинчоқларининг, шунингдек, кимёвий ўйинчоқларнинг таркибида:

қизиши, шунингдек, оксидланувчи моддаларнинг бирикиши натижасида реакцияга киришиб, портловчи аралашма ҳосил қилиш;

ҳаво билан аралашishi натижасида аланга ёки портлаш хусусиятига эга бўлган буғни ҳосил қилувчи хусусиятга эга бўлган модда ёки реактивлар бўлмаслиги керак.

2-§. Кимёвий хавфсизлик талаблари

